

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336

АЗИМОВА МОХИРА БОРИ ҚИЗИ

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА
КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШДА
МОЛИЯНИ РОЛИ**

(Наманган вилояти мисолида)

5А111001 – КАСБ ТАЪЛИМИ (МОЛИЯ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н. Ғ.Шерматов

Наманган-2013

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I-боб: ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Кичик бизнес фаолиятини қўллаб қувватлашда молиянинг ўрни.....	10
1.2. Ўзбекистонда кичик бизнесни молиялаштириш асосида қўллаб қувватлашнинг давлат сиёсати йўналишлари.....	18
1.3. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти.....	26
II-боб: ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АСОСИДА ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ВА ҲУДУДИЙ МУАММОЛАРИ	
2.1. Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши ва ҳудудий иқтисодиётга таъсири.....	35
2.2. Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар.....	45
2.3. Наманган вилоятида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда молиявий инфратузилманинг таъсири.....	54
III-боб: ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ВА МОЛИЯЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
3.1. «Обод турмуш йили» тадбирлари доирасида кичик бизнес ривожлантирилиши йўналишлари.....	61
3.2. Мавзуни ўқитишнинг янги педагогик технологияларга таянган асослари.....	67
Хулоса.....	75
Фойдаланилган адабиётлар.....	80
Иловалар.....	87

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда кичик бизнес¹ фаолияти ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим соҳа бўлиб ҳисобланмоқда. Кичик бизнеснинг ривожланиши туфайли ички бозор товар ва хизматлар билан таъминланади, аҳоли иш билан таъминланади, уларнинг даромадларини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун бу соҳани қўллаб қувватлаш, айти даврада ҳар қачонгидан муҳим ҳисобланади. Кичик бизнесни қўллаб қувватлашда энг асосийси молия масалаларини ҳал этишдир, яъни мазкур секторни молиялаштириш масалалари бугунги кунда муҳим вазифалардир бири бўлиб қолмоқда. Чунки миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда ва уни модернизация қилишда кичик бизнеснинг ўрни катта бўлмоқда. Кичик бизнесни қўллабқувватлаш учун муайян молиявий муносабатларни амалга ошириш зарур бўлар экан, ушбу соҳани ривожланишида молиянинг ўрни биринчи даражали ҳисобланади. Демак, мазкур сектор ўз навбатида банк тизимининг фаолиятига муҳтож.

«2011 йилнинг юртимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизимида қатор устувор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада соддалаштирилди»². 2012 йилда мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият

¹ Изоҳ: Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» деб қайд этилади. Шунинг учун бу ерда бизнинг нуктаи назаримизда хусусий тадбиркорлик ҳам мавжуд.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012.26 бет.

юритишни давом эттирди. Натижада «...банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди»¹.

Кичик бизнесни қўллаб қувватлашда молия масалаларига доир муаммолар ечими банк-кредит тизимидаги ислохотлар натижасида ўз ечимига эга бўлиб борди. Бу ўз навбатида даромадларнинг ошиб боришини намоён этди. Чунки «ўтган 2012 йилда ушбу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилди, бошқача айтганда, одамларимиз даромадининг ярмидан кўпи, биринчи навбатда, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланимуда»².

Фикримизча, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг ҳаракатчанлиги, кам капитал маблағларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез модернизация қилиш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини қисқа давр ичида янгилаб рақобатбардош маҳсулотларни истеъмолчиларга тақдим этади.

Айнан шуларни кўзда тутиб «оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди»³.

Бироқ, кичик бизнесни қўллаб қувватлашда молиявий масалалар тўла-тўқис ўз ечимига эга бўлди, деган хулосага келмаслик керак. Кичик бизнесни қўллаб қувватлаш ва бу соҳани молиялаштириш масалалари бугунги кунда устувор экан, унга тегишли бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳимдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ҳали бу соҳани молиялаштириш борасида бир қатор ечимини кутаётган илмий-

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. 6 бет.

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. 32 бет.

³Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир”. Т.: “Ўзбекистон”.2007. -114 б.

назарий, услубий ва амалий муаммолар ҳам борки, улар бу соҳада олиб борилаётган илмий–тадқиқот ишларини кенгайтиришни талаб этади. Айнан ушбу омиллар мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнесни қўллаб қувватлаш, ушбу секторни молиявий таъминлаш ва иқтисодий ривожланишининг фундаментал асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни молиялаштириш муаммоси хорижий, маҳаллий олим ва мутахассислар томонидан мунтазам ўрганилиб келинмоқда.

Хусусан, кичик бизнесни қўллаб қувватлаш ва молиялаштиришнинг назарий асослари хорижлик олимлардан А.Бусигин, Л.Дробозина, Л.Дашков, В.Родионова, И.Кратко, В.Колесников, Е.Вороновский, А.Муравьев, В.Набатников, Л.Гитман, М.Джонк, Н.Мертенс ва бошқалар асарларида ёритилган.

Маҳаллий олимлардан Ш.Абдуллаева, А.Ваҳобов, Ҳ.Жамолов, О.Иминов, Т.Маликов, Ф.Муллажонов, С.Норқобилов, О.Олимжонов, И.Тоймухамедов, М.Шарифхўжаев, Э.Эгамбердиев, Н.Ҳайдаров, С.Ғуломов, А.Қодиров, Т.Қоралиев, ва бошқалар асарларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш масалаларини илмий-амалий жиҳатлари, молиявий таъминлаш манбаларини топиш ва уларни баҳолаш муаммолари кенг таҳлил этилган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишларида кичик бизнесни қўллаб қувватлаш ва уни молиялаштирилиши, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммоларини ўрганиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Мамлакатни модернизациялаштириш шароитида кичик бизнес устувор йўналишлардан бири сифатида тан олиниб, бунинг учун молиянинг роли ва аҳамиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштириш юзасидан илмий ёндашувлар ишлаб чиқишни тақазо

этади. Шу нуқтаи назардан олганда, диссертант томонидан мазкур тадқиқот мақсади ва унинг доирасида қўриладиган вазифалар белгилаб олинди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертация ишидаги асосий мақсад, мамлакатни модернизация қилиш шароитида кичик бизнесни қўллаб қувватлаш ва бу соҳани ривожланишида молиянинг ролини белгилаш шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий **вазифалар** белгилаб олинди:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг назарий асосларини ифода этиш;
- Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамиятини очиқ бериш;
- кичик бизнес субъектларининг молиявий фаолиятини кредит уюшмалари ва халқаро кредит ташкилотлари орқали қўллаб қувватлашни назарий жиҳатдан асослаш;
- Ўзбекистонда кичик бизнесни молиялаштириш асосида қўллаб қувватлашдаги ҳудудий амалий жараёнлар таҳлилини баён этиш;
- Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши ҳамда уни молиялаштириш амалиётини тадқиқ этиш;
- Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммоларни ўрганиш ва аниқлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашда давлат сиёсатининг ўрнини белгилаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда банк тизимидаги ислохотларни кенгайтириш йўналишлари бўйича ишланмалар яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида Наманган вилоятидаги кичик бизнес субъектларининг амалдаги фаолияти танланди.

Тадқиқот предмети бўлиб, вилоятдаги кичик бизнесни қўллаб қувватлаш ва бу секторни молиялаштириш жараёнини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига оид асарлари; кичик бизнес секторини молиялаштириш масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; кичик бизнес фаолиятини молиялаштиришни амалиётга жорий этиш бўйича чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзмалар ташкил этади. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда молиявий менежмент, тузилмавий таҳлил, статистик таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- кичик бизнесни қўллаб қувватлашда молиянинг ролини белгилаш бўйича назарий ишланмалар яратилди;
- Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти ҳозирги давр билан боғлиқ ҳолда очиқ берилди;
- Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳамда молиялаштириш амалиёти тадқиқ этилди;
- Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар ўрганилди ва аниқланди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни белгиланди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда банк тизимидаги ислохотларни кенгайтириш йўналишлари ишлаб чиқилди;
- кредит институтлари орқали кредит тизимини бошқариш ва фаолиятини кенгайтириш истиқболлари тўғрисида мулоҳазалар юритилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Наманган вилоятида кичик бизнесни қўллаб қувватлашда молия ролини ошириш ва уни такомиллаштириш мавзуси бўйича диссертацион иш доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- вилоят миқёсидаги банк тизими фаолиятини яхшилашда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторидаги корхоналар фаолиятини кучайтиришда;
- вилоятда кичик бизнесни маҳаллий бошқарувини яхшилашда фойдаланиш мумкин.

Ишни синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация ишининг асосий ғояси ва унинг мазмун-моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган натижалар, хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар Наманган мухандислик-педагогика институтида ўтказилган магистрантларнинг илмий амалий семинарларида баён қилинган ва илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама этилган.

Натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий-амалий конференциялари тўпламларидаги 3 та илмий мақолаларда ўз ифодасини топган. **Шунингдек, 1 та мақола «Бизнес, баҳо, аудит, бозор» журналининг №00 сонидида чоп этилган.**

Магистрлик диссертациясининг таркиби. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Биринчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ривожини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришнинг илмий асослари» деб аталди. Бунда кичик бизнес фаолиятини қўллаб қувватлашда молиянинг ўрни назарий жиҳатдан ёритиб берилди. Ўзбекистонда кичик бизнесни молиялаштириш асосида қўллаб қувватлашнинг давлат сиёсати йўналишлари тўғрисида мулоҳазалар келтирилди. Шунингдек, юртимизда кичик бизнесни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти кенг тарзда ёритилди.

Иккинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни молиялаштириш асосида қўллаб қувватлашнинг амалий ҳолати ва ҳудудий муаммолари» деб номланди. Бу бобда Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши ва ҳудудий иқтисодиётга таъсири таҳлил этилди. Вилоятда бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар ўрганилди ва аниқланди. Шу билан бирга, вилоятда

кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда молявий инфратузилманинг таъсир қўламлари бўйича тадқиқотлар олишиб борилди.

Учинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни қўллаб қувватлаш ва молиялаш чораларини янада такомиллаштириш йўналишлари» деб юритилди. Бу якуний бобда «Обод турмуш йили» тадбирлари доирасида кичик бизнес ривожлантирилиши йўналишлари бўйича ишланмалар яратилди. Шунингдек, ушбу танланган мавзуни ўқитишнинг янги педагогик технологияларга таянган асослари ўз ифодасини топган.

Ушбу мавзуга оид фикрлар умумлаштирилиб, хулоса ва таклифлар қисмида аниқлаштирилган тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

I-бoб: ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлашда молиянинг ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик асосидаги субъектлар фаолият кўрсатади. Улар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хос бўлган корхоналар кўпдир. Бу каби корхоналарнинг аксарияти моддий манфаатдорликни кўзлаб, ўз фаолиятларини белгилайдилар. Бизнес билан шуғулланувчи субъектлар фойда олиш мақсадида ишлайди, ўз харажатларини ўз пули билан қоплайди. Буларнинг молия манбалари асосан ўзлари топган ёки қарз олган пули ҳисобидан шаклланади. Бозор муҳитидаги иқтисодий муносабатлар жараёнида молиявий жиҳатдан устун бўлган кичик бизнес субъектлари доимо илғор бўладилар. Чунки уларнинг ликвидлилик даражаси юқори бўлиб, ҳар қандай молиявий муносабатларда ўз ўрнини топишга ҳаракат қиладидар. Бундай кичик бизнес субъектлари молиявий мустақилликка эга, пул фондларини ўзлари ташкил этиб, ўзлари мустақил сарфлайдилар.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш пул маблағларини талаб қилиши аниқ далилдир. Пул маблағларисиз бизнесни тасаввур қилиб бўлмайди. Пул ресурсларини (фондларини) ҳосил қилиш, уларни жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар молия дейилади.

Фикрларимиздан кўриниб турибдики, иқтисодий муносабат жараёнларида кичик бизнес субъектларининг энг асосий муаммолари молиявий масалалар билан боғлиқ. Бошқача айтганда, кичик бизнесни ривожлантиришда молиянинг ўрни ва аҳамияти алоҳида жуда муҳимдир.

Бугунги кунда бизнесни юритиш учун энг керакли воситалардан бири бу – пул. Аммо «пулдан пул қилиш осон иш эмас. Шунинг учун


аждодларимиз «пул топиш осон, лекин уни сарфлаш қийин» дейишган»¹. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун молиявий манба бўлиши керак. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, кичик бизнес корхоналари ўз фаолиятлари давомида кўп миқдордаги пулни айлантирадилар. Бунда агар маблағлар кичик корхонанинг ўзидаги бирон бир манбадан тушса, улар ички, ташқаридан келиб тушса – ташқи маблағлар дейилади.

Кичик бизнесни ривожлантиришда ички маблағларнинг мавжудлиги бозор субъектининг ликвидлигини оширади. Кичик корхона ўз товарларини сотиб, хизмат кўрсата борган сари, бунинг эвазига пул олиб, ўз харажатларини қоплашга сарфлайди. Эскириб бораётган ускуналар (иш куруллари, машиналар, бинолар)ни янгилаш ва алмаштириш қиймати бўлмиш амортизация харажат турларидан биридир. Одатда кичик корхона ёки микрофирмада тезлаштирилган амортизация амалга оширилиши меъёрий ҳужжатларда белгиланган. Чунки кичик корхоналарда қўлланиладиган техника ва технологиялар тез янгиланиб туришга мойиллиги кўпроқдир. Тўғрироғи кичик бизнес корхоналаридаги эскирган технология, янги технологияга ўз жойини тез бўшатиб беради.

Муайян сарф-харажатлар қоплангандан кейин қоладиган маблағ корхонанинг даромади ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларининг даромадга эга бўлиши уларнинг тадбиркорона фаолиятига жуда боғлиқдир. Гарчи мулк эгаси ёки ишбилармонлар даромадни тўлиқ олиб қўйишлари мумкин бўлса-да, улар кўп ҳолларда даромаднинг бир қисмини бўлса ҳам ишда (капитал айланмасини) қолдирадилар. Кичик бизнес корхоналаридаги капитални айланиш жараёни ўз навбатида яна кўпроқ даромад кўришга олиб келади. Даромадни кўпайтириш учун барча чора-тадбирлар пухта кўриб борилади. Акс ҳолда зарар кўриш эҳтимоли ҳам келиб чиқиши мумкин (1.1.1-расм).

¹ Мирсаидов М.С. Тадбиркорлик асослари. –Т.: Ўзбекистон. 2002. 16 бет.

1.1.1-расм. Капитал айланиши жараёнида даромадни янада кўпайиши¹



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш масалалари тўғрисида фикр юритар эканмиз, дастлаб уларнинг турли шаклларига оид мулоҳазаларимизни алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Чунки бугунги глобаллашув жараёнларида хусусий секторни молиялаштиришнинг турли шакллари кенг ривожланган бўлиб, улар турли давлатларда турлича қўлланилади.

Энг ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш шакллари асосан қуйидагича амалга оширилади.

- банклардан фойдаланиш;
- турли молиявий фондлардан фойдаланиш;

¹ Диссертант ишланмаси.

- йирик корхоналарнинг маблағларига асосланиш;
- корхонанинг ўз капиталидан унумли фойдаланиш;
- халқаро фондлар орқали молияланиш.

Хорижий ривожланган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда ҳукумат томонидан рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ҳам қўллаб борилади.

Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилиши асосан бозор муносабатлари шароитларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Чунки молиялаштиришдан аввал бозордаги муҳит, ундаги тез ўзгаришлар, нарх ва инфляциян жараёнлар таҳлил этилади. Бунда банк тизимининг (ёки молиялаштирадиган ташкилотнинг) маркетинг фаолияти пухта амалга оширилиши керак.

Ривожланган мамлакатларда бизнесни молиялаштиришдаги масалалар тўғрисида гап юритилганда, мавжуд вазиятлар ва бу вазиятларда кутилиши мумкин бўлган воқелик ишбилармон учун янгилик эмас. Шунинг учун кичик бизнес корхонасини юритиш учун молия масалаларида сезиларли даражадаги қийинчиликлар бўлмаслиги мумкин.

Бироқ, Ўзбекистон шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги вазиятлар ўзига хос ривожланиб бордини. Мустақилликка ўтилган илк даврларда, яъни бозор муносабатларига ўтиш шароитида мулкдорлар томонидан капитал ҳаракатини тасаввур қилиш қийин бўлган. Сабаби, иқтисодий тизимнинг мавжуд қонуниятлари давлат асосидаги режалаштирилган сиёсатга бўйсундирилган эди. Шунинг учун бизнес формуласини (П–П¹) тушуниб олиш учун ҳам бошланғич билим олишга тўғри келди.

Дастлабки йилларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш жуда қийин ва оғир вазиятларни келтириб чиқарди. Чунки «...мамлакатда моддий-техник таъминоти, тартиб-интизом издан чиққан бир пайтда бу муаммоларни ечиш жуда қийин»¹ бўлди. Лекин давр ўтган сари Ўзбекистонда кичик бизнес

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон. 2011. 320 бет.

ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига ҳукукий жиҳатдан замин яратиб борилди. Бу эса ўз навбатида ушбу секторни молиялаштиришдаги меъёрий ҳужжатларни ҳам такмиллашувини ўз ичига қамраб олди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда туртки берадиган биринчи даражали тадбирлардан бири хусусийлаштириш жараёнларининг амалга оширилиши бўлди. Хусусийлаштириш натижасида мулкчилик плюрализми ривожланди ва бунда ишбилармонлар ҳаракатга кела бошладилар. Улар янгича ғояларни ҳаётга тадбиқ этиб, аҳолини иш билан банд этишни ва ўзларини молиявий имкониятларини кенгайтиришга эриша бошладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар қуйидаги манбаларга таянади:

- ўз товарлари ва хизматларини сотишдан тушган пул;
- ўзининг ортиқча мол-мулкни сотишдан кеклган пул;
- ўзгалардан олдин сотиб олган акциялар ва облигацияларга тегадиган дивиденд;
- банклардан қарзга (кредит асосида) олинган пул;
- суғурта компаниялари берадиган пул.

Шу каби манбалар ҳисобидан ҳар хил фондлар, чунончи, амортизация, иш ҳақи, мукофотлаш, ижтимоий ёрдам, инвестициялаш хайрия фондлари уюштирилиб, улар корхонанинг ривожига ва обрўсига хизмат қилади. Молия маблағлари ҳисобидан субъект солиқ тўлайди, қарзини (кредитни) қайтаради, капиталини кўпайтиради, банка фоиз тўловлари тулайди ва хокази. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи аксарият субъектлар ўзини-ўзи молиялаш қоидасига таянади. Бу қоидага кўра бизнес уч йўналишда амалга оширилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш;
- воситачилик қилиш;
- савдо ва хизмат кўрсатиш.

Бу йўналишлар ичида мураккаброғи маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали бизнесни амалга оширишдир. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш орқали фойда олиш учун бир неча босқичларни босиб ўтиш керак бўлади. Масалан, хом ашё олиб келиниб, ундан бирон-бир маҳсулот яратилади ва бозорга олиб чиқиб сотилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни қиин жараён бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширигача бир неча босқичларни босиб ўтиш керак. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш негизида амалга ошириладиган бизнесда мураккаб ишларни яширинган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги техника ва технологиялар, маҳсулотни яратишда иштирок этадиган дастгоҳлар ишлаб чиқариш жараёнларида ва табиат кучлари таъсирида секин-аста эскириб боради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган кичик бизнес корхоналарида молиянинг ўрни янада муҳимроқ жабҳаларни ўз ичига қамраб олади. Чунки ишлаб чиқаришда иштирок этадиган техник ва технологиялар ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки бажарилаётган иш қийматига аста-секин ўтказиб боради. Фақат ишлаб чиқарувчи воситалар эмас, балки барча асосий воситалар шундай ҳолатга юз тутиши табиий. Бундай вазиятлардан чиқиш учун эса кўпроқ ҳажмдаги молия керак бўлади.

Шунинг учун ҳам «ўзбек модели» асосидаги тамойиллардан бирида иқтисодиётни сиёсатдан устуворлигини таъминлашга жиддий урғу берилади. Чунки иқтисодий масалалар ҳал этилгандагина ундан кейинги даражадаги ишларга ўтиш мумкин. Демак, ўз навбатида кичик бизнес субъектларининг эркинлиги кафолатланиши даркор.

Маълумки, Республика Президентининг бир қатор асарларида бозор ислохотларининг асосий негизи иқтисодиётни эркинлаштиришдан иборат эканлиги жуда тушунарли ва атрофлича қайд этилган. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўрни чекланган бўлиб, эркин тадбиркорлик кенг авж

олади. Давлат эса бозор механизмининг амал қилишига шароит яратади. Иқтисодиётнинг ривожланиши кўпроқ рақобат ва нархлар тизимига асосланади. Бу хусусда Канада парламентининг собиқ аъзоси Том Хокин шундай фикр билдиради: «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фавқулоддаги тараққиёти фақат ғарб мамлакатлари билан чегараланиб қолмайди. Қаерда иқтисодий шароитни эркинлаштириш бўйича ҳукумат қарор қабул қилса, ўша ҳудудда кичик корхоналар сони бир кеча мобайнида кўпаяди»¹. Демак, бозор иқтисодиётида иқтисодий хатти-ҳаракатлар эркин, мустақил бўлиши шарт. Улар бозор механизми орқали бир-бири билан боғланиб мувофиқлашади. Бозор механизми фаолиятида молиянинг бекиёс аҳамияти катта. Бозор муносабатларида молиявий муносабатлар амалга оширилар экан, бунда рақобат муҳити авж олади.

Энг муҳими, иқтисодий эркинлик мулкчилик шакллари ва хўжалик юритиш усуллариининг турли-туман бўлишини тақозо этади. Буни Республикада қабул қилинган барча қонунларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақоми белгиланганлигидан билиб олса бўлади².

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган сари молиянинг ўрни ва аҳамияти янада ошиб боради. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришнинг шакллари ва турлари такомиллашиб боради. Аммо бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки даврларида молиялаштириш асосан яқин қариндош ва танишларнинг капиталларига асосланилди. Сабаби бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк жараёнларида унга хос инфратузилманинг йўқлиги ўзбек ишбилармонларини ўз маблағларига таяниш заруриятини келтириб чиқарди. Бу давр айниқса 1996 йилларга қадар сезиларли давом этди.

Бироқ, 1996 йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари юксалиб, бурилиш даври бошланди. Бу

¹ Том Хокин. Малўй бизнес в Канаде. // Ж. Деньги и кредит. №3. 1992. С. 32.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 37; 38; 48; 53 ва 54-моддалар.

даврда мамлакатимизда амал қилишни бошлаган икки хил банк тизими, яъни марказий давлат банки ва тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда асосий манба сифатида фаолият кўрсатди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Тижорат банклари асосан марказий давлат банкининг назоратида фаолият кўрсата бошлаган бўлса-да, аммо иқтисодий мустақиллигини тўла намоён эта олди. Бозор иқтисодиёти шароитида мустақил молиявий муносабатларни ташкиллаштиришда инфратузилманинг фаол институтларидан бирига айланди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- юқорида қайд қилинганидек, тижорат банклари орқали;
- кредит уюшмалари орқали;
- турли халқаро фондлар орқали;
- йирик корхоналар билан ҳамкорлик қилиш орқали;
- лизингни қўллаш орқали;
- мулкдор шахсларнинг мулкидан фойдаланиш орқали.

Айни даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни энг замонавий молиялаштириш шакллари:

- тижорат банкларидан кредит олиш;
- кредит уюшмаларидан кредит олиш;
- лизингдан фойдаланиш.

Бироқ, бугунги кунда буларнинг ичида энг оммавийлашгани тижорат банкларидан кредит олишдир. Кредит уюшмаларидан ва лизингни қўлловчи ташкилотлардан фойдаланувчи бизнес субъектлари деярли нисбатан камчиликни ташкил этади. Бунинг икки ёндашув асосида тушунтириш мумкин:

Биринчидан, аксарият тадбиркорлар ёки кичик бизнес субъектлари кредит уюшмаларининг талабларига мос ҳаракат қилишларида қийинчиликларни хис этадилар. Чунки кредит уюшмаларининг ҳам ўз

Низомлари мавжуд бўлиб, белгиланган қонун-қоида асосида кредит бериш муносабатларини амалга оширадilar. Бундай уюшмалардаги кредит бериш жараёнларида тижорат банкларидаги ҳолатларга солиштирганда муаммолар борлиги ва тадбиркор учун тушунарсиз вазиятлар юзага келиши қайд этилган¹.

Иккинчидан, молиявий ресурсларнинг чекланган даражаси кредит уюшмаларида ва лизинг берувчи ташкилотларда сезиларлироқдир. Чунки бизнес юритишда барча жиҳатлар молиявий муносабатларга бориб такалар экан, мавжуд ресурсларнинг ҳажми ҳам бу жараёнларда муҳим рол ўйнайди.

Умуман олганда, кредит капитал маблағнинг ссудага айланишини таъминлайди ва кредитор ҳамда қарз олувчилар ўртасидаги муносабатни англатади.

Ҳозирги кунда барча тижорат банклари кредитлаш жараёнини ўзларининг кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқдалар. Кредит ва ундан самарали фойдаланиш натижасида турли ютуқларга эришиш мумкин, аксинча бўлса, яъни кредитдан самарали фойдаланилмаса турли хил муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, кредит халқ хўжалигига турли йўллар билан асоссиз равишда кўп берилса ва оқибатда пул массаси кўпайиб кетади ва миллий валютани қадрсизланишига олиб келади.

1.2. Ўзбекистонда кичик бизнесни молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати йўналишлари

Республика Ҳукумати томонидан олиб борилган монетар сиёсат натижасида мамлакатда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий муаммоларини бартараф этиш имкониятлари юзага келди. Банк тизимининг мазкур секторни ривожлантиришга қўшган хиссасини алоҳида эътироф этиш керак.

¹ Бититувчининг тадқиқот изланишлари асосидаги натижаларга асосланилган.

30 та тижорат банки томонидан бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар салмоғи 2009 йил мобайнида 70 фоизни ташкил этди. Бу жараён жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш ва банк-молия тизимини мустаҳкамлашга молиявий замин яратди.

Ҳозирги кунда Республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитларнинг активлари ҳажмидаги салмоғи 55–60 фоизни ташкил этмоқда¹. Бу эса мамлакат миқёсида олиб борилаётган монетар сиёсат, миллий иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, кредит қўйилмалари қолдиғининг ўсиши ва таваккалчиликнинг оқилона бошқарилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасидир. Ҳар йили банкларда кредит сиёсати йўналишларини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш амалиёти жорий қилинди.

Республикамиз тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми кейинги йилларда ўсиб боровчи тенденцияга эга. Масалан, 2009 йилда тижорат банклари кредит қўйилмаларининг миқдори 2008 йилга нисбатан олганда 34,3%га кўпайганлигини кўрсатади². Агар кредитларнинг муддатига кўра таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, қисқа муддатли кредитлар сўнгги беш йил мобайнида ўсган, яъни 2009 йилда бундай кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2004 йилга нисбатан олганда 3,4%ли пунктга ошган (1.2.1-жадвал).

Эътиборлиси, 2006–2009 йилларда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитлар салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлди. Узоқ муддатли кредитлар ҳажми эса 2004–2006 йиллар мобайнида камайиб, 2007–2009 йилларда эса ўсиб боровчи тенденцияга эга бўлди. Аммо, ҳар икки турдаги кредитларнинг аҳамияти миллий иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсир этади. Чунки, банкларнинг қисқа муддатли кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини тўлдиришнинг муҳим молиявий манбаи ҳисобланса,

¹ Муаллифнинг 2010 йилнинг сентябрь ойларига тўғри келган ҳисоблари.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоблари.

узоқ муддатли кредитлар инвестициявий харажатларни молиялаштиришнинг асосий манбаларидан биридир.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг муддатига кўра таркиби¹

(фоизларда)									
Кўрсаткичлар	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Жами кредитлар Шу жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	100	100
қисқа муддатли	18,2	18,8	22,4	22,3	21,8	21,6	21,7	21,7	21,8
узоқ муддатли	81,8	81,2	77,6	77,7	78,2	78,4	78,3	78,3	78,4

Хусусан, олиб борилган тадқиқотлар натижаларида² кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш амалий жиҳатдан тобора кенгайиб бораётганлиги маълум бўлди. Агар 1.2.2-жадвал кўрсаткичларини таҳлил этсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлатдан молиявий ёрдам олаётган корхоналар сони ошганлигини кўришимиз мумкин. Аксига олиб «муҳтожлик йўқ» деб жавоб берганлар эса, камайиб борувчи тенденцияга эга.

1.2.2-жадвал кўрсаткичларидан ҳукумат томонидан олиб борилаётган монетар сиёсатнинг ижтимоий аҳамияти ошаётганлиги яққол кўриниб турибди. Ҳақиқатдан ҳам «2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 бараварга ошиб, 5,3 трлн. сўмни, микрокредитлар суммаси эса 1,5 бараварга ўсиб, 1,2 трлн. сўмни ташкил этди»³.

¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

² Тадқиқот муаллиф томонидан ўтган даврлар мобайнида олиб борилган ва жадваллар ўтказилган сўровнома асосида тузилган.

³ www.bpk.uz // Муллажанов Ф. Ўзбекистон банк тизими: бар=арор ривожланиш, хал=аро мезонларга эришиш йилида.

Респондентларнинг «Сиз давлат томонидан молиявий ёрдам оласизми?», – деган саволга берган жавоблари салмоғи

(фоизларда)

Респондентларнинг жавоблари	2011 йил	2012 йил
Ёрдам олаётган корхоналар	30,1	40,9
Ёрдам олмаётган корхоналар	34,3	36,4
Саволни жавобсиз қолдирганлар	–	–
«Муҳтожлик йўқ» деганлар	35,6	22,7

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармонида белгиланган мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга қаратилган тадбирлар банк тизими учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Фармон асосида қуйидагилар инобатга олинди:

– 2012 йил 1 августдан микрофирмалар томонидан ҳисобварақлар осишда имзо намуналарини нотариал тасдиқлаш, тўлов топшириқномаларида фирма бухгалтерии томонидан иккинчи имзо қўйиш тартиби бекор қилинди;

– ваколатли банкларда эса экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш муддати олдинги икки иш куни ўрнига саккиз иш соати қилиб белгиланди;

– тижорат банклари томонидан тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобвараларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдори 20 фоизга камайтирилди;

– 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан,

«Интернет-банкинг» тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида (2009 йилда) банкларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий жиҳатдан кўмак бериш учун, тижорат банклари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 670 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.

Мамлакатда яратилаётган ҳуқуқий асосларнинг тобора такомиллашуви ва уни ижро этиш механизмида давлат органларининг фаол иштироки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини диверсификацион тарзда ривожланишига олиб келмоқда.

Пул-кредит сиёсатини самарали амалга ошириш борасида ҳукумат томонидан бир қатор меъёрий ҳужжатлар пакети шакллантирилдики, улар асосида ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Бироқ, тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дастлабки 10 йилликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида берилган кредит қўйилмаларини минтақалар бўйича таҳлил қилганда, уларнинг тақсимооти жойларда нотекис амалга оширилган.

1994–1995 йилларда демографик муаммолари кескин ҳисобланган худуд – Фарғона водийсида фаолият кўрсатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари улушига Республика банклари томонидан ажратилган барча кредитларнинг фақатгина 25,7%гина тўғри келган, яъни ҳар бир вилоятга (Андижон, Фарғона, Наманган) ўртача 8,5%дан кредит ажратилган. Аммо 1998 йилга келиб, вазият ўзгарди. Чунки республика пойтахти алоҳида ўрин эгаллаб, унинг зиммасига қарийб 64% қисқа муддатли, 78% ўрта муддатли ва 85% узоқ муддатли кредит қўйилмалари тўғри келди. Кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг жами улуши қарийб 75%га тенг. Ундан кейинги ўринларни Фарғона ва Андижон вилоятлари эгаллаган бўлса-да, уларнинг умумий кредит

кўйилмалари ҳажмидаги улушлари ҳар бири учун тахминан 4%дан тўғри келади. Бироқ, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятлари учун бу кўрсаткич ҳатто 1%ни ҳам ташкил этмади¹.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, агар кредит маблағларининг тақсимотидаги нотекислик давом этаверса, ҳудудлар ўртасида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жаҳатдан тафовутлар пайдо бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ўзига хос муаммолар келиб чиқади. Бундай аҳвол кўпчилик вилоят корхоналарида иш унумдорлигининг ошишига салбий таъсир кўрсатади ва халқ хўжалигида, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторидаги лойиҳаларни молиялаш учун катта муаммолар келтириб чиқаради.

Биргина 2000 йилнинг ўзида пойтахт тадбиркорлари 59,4 млрд. сўмлик хорижий сармояни ўзлаштирадilar, бу республика бўйича (150,8 млрд. сўм) жами ўзлаштирилган миқдорнинг 39,4%ини ташкил этди. Фарғона водийси вилоятларида бундай сармояларни ўзлаштириш атиги ўртача 2%дан тўғри келди. 2001 йилда Андижон ва Наманган вилоятларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хорижий сармоялар умуман ўзлаштирилмаган.

2002 йилда республика бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 187602,8 млн. сўмлик кредитлар ўзлаштирилган, бу ўтган 2001 йилга нисбатан 28589,2 млн. сўмга ёки 17,9%га кўпдир. Аммо, ўзлаштирилган кредитлар миқдорининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (45184,4 млн. сўм ёки 24%) ва Самарқанд вилоятига (20972,2 млн. сўм ёки 11,2%) тўғри келган.

Фарғона водийси вилоятларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун эса ажратилган кредитлар миқдори 41206,8 млн. сўмни ташкил этиб, республика бўйича олинган кўрсаткичга нисбатан 21,9%ни ташкил этди ва ҳар бир (Андижон, Наманган, Фарғона)

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

вилоят учун ўртача 7,2%данга тўғри келган, яъни 2001 йилга нисбатан ҳар бир вилоятда 0,42 пунктга камайганлигини кўрсатади.

1.2.3-жадвал

Вилоятлардаги тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар¹

№	Вилоятлар	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар (фоизда)			Вилоятлардаги минибанклар сони			2005–2007 йиллардаги кўпайган микдор ²
		2005 йил	2006 йил	2007 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	
1.	Қорақалпоғистон Рес.	2,17	2,79	2,50	82	117	137	55
2.	Андижон	10,90	10,11	9,26	62	80	114	52
3.	Бухоро	3,52	3,49	4,57	83	110	133	50
4.	Жиззах	2,53	2,03	2,82	68	91	93	25
5.	Қашқадарё	3,54	4,68	5,91	130	170	202	72
6.	Навоий	2,84	3,15	2,80	48	56	66	18
7.	Наманган	3,27	2,91	3,66	64	79	108	44
8.	Самарқанд	8,01	7,95	8,92	124	161	193	69
9.	Сирдарё	1,75	1,42	3,47	57	62	95	38
10.	Сурхондарё	2,97	2,86	1,72	65	73	80	15
11.	Тошкент	8,21	9,09	8,58	74	66	145	71
12.	Фарғона	9,35	7,34	5,61	74	107	151	77
13.	Хоразм	2,23	3,02	3,05	66	113	130	64
14.	Тошкент шаҳри	38,69	39,18	37,11	125	165	170	45
Водий вилоятлари бўйича		23,52	20,36	18,53	200	266	373	173
Республика бўйича		99,98	100,02	99,98	1122	1450	1817	695

1.2.3-жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, Республика бўйича олганда 2005–2007 йиллар оралигида тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун барча молиялаш маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлари ўзгаришсиз тенденцияга эга бўлди. Аҳоли зичлиги бўйича биринчи ўринда турадиган Фарғона водийси

¹ Манба: Мирзаев Ф. И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. –Т.: Молия, 2008. 147-бет.

² Манбага муаллиф томонидан қўшимча қилинган.

(Андижон, Наманган, Фарғона) вилоятларида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми йилдан йилга камайиш тенденциясига эга бўлган. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларни атиги 5,61 фоизи Фарғона вилоятига тўғри келиши ачинарли ҳолатдир. Андижон вилоятида эса бундай кўрсаткич камайиш тенденциясига ўтган.

Наманган вилояти тадбиркорлари томонидан тижорат банкларининг кредитларини ўзлаштиришда тегишли йиллар солиштирилганда ўсиш атиги 0,39 пунктга ошган. Умуман олганда, 2007 йилда Фарғона водийси вилоятларининг тадбиркорлари Республика бўйича тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг атиги 18,53 фоизини ўзлаштиришган бўлиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан олганда 4,99 пунктга камайганлигини кўрсатади.

1.2.3-жадвалдан яна шуни англаш мумкинки, 2005–2007 йилларда Республика ҳудудларида тижорат банкларининг сони 695 тага кўпайган ёки ўртача ҳисобланганда, деярли 62 фоизга ошган. Бу албатта мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун молиявий-иқтисодий муносабатларни юритишда банк хизматлари кўламини янада ошириш, бозор субъектлари ўртасидаги пул айланишини яхшилаш, қолаверса, рақобатни кучайтиришга кенг имкониятлар яратди. 4.3.4-жадвалдан кўриниб турибдики, минибанкларнинг сони Фарғона (77 тага), Қашқадарё (72 тага), Тошкент (71 тага), Самарқанд (69 тага) ва Хоразм (64 тага) вилоятларида айниқса сезиларли ошган. Ўртача ўзгариш Қорақалпоғистон Республикаси (55 та), Андижон (52 та), Бухоро (50 та), Наманган (44 та), Сирдарё (38 та) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (45 та) кузатилди. Жиззах (25 та), Навоий (18 та), Сурхондарё (15 та) вилоятларида эса минибанклар сонидаги ўсиш сезиларсиз даражада бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Фарғона водийси бўйича минибанклар сонидаги ўзгариш 86,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, Навоий

ва Сурхондарё вилоятларида банклараро бозордаги рақобат пастлигича қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бу соҳадаги муаммолар ҳали анчагина. Уларни бартараф этиш бўйича йилдан йилга чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айниқса, Давлат дастурларини бажарилишида фикрларимизнинг аниқ далилларини кўрмоқдамиз.

Бироқ, умумий ҳолатни ҳисобга олганда, сўнгги йилларда банк тизимини ривожлантириш бўйича мамлакатда жиддий ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Банк тизими орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш кўрсаткичлари пасайиш томонига эмас, балки юксалиш сари кўтарилиб борди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солишда давлат томонидан олиб борилаётган монетар сиёсат «ўзбек модели» асосидаги тамойиллар негизида амалга оширилиб, бугунги кундаги глобаллашув жараёнларида ижобий самара берди.

1.3. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти

Бозор тизимига асосланган иқтисодиётга ўтилиши туфайли мамлакатда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Жамиятдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятнинг бошланиши давлатнинг яқиндан туриб берган молиявий ёрдами туфайли ривожланиб, такомиллашиб боради. Жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банк-кредит тизимининг ролини ошириб боришга алоҳида эътибор берилади.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар охириги ўн йил мобайнида банклар жами капиталини 9 баробардан зиёдга, охириги уч йилда 2

баробардан ортиқ ўсишини таъминлади. 2012 йилда эса банк тизими умумий капитали ҳажми 24,3 фоизга ошди¹.

Шуни қайд этиш керакки, «банк тизимининг ликвидлилик кўрсаткичи охириги йилларда 65 фоиздан (2012 йил якуни бўйича – 65,5 фоиз) юқори бўлиб, талаб этиладиган энг кам даражадан (30 фоиз) 2 баробардан ҳам зиёдни ташкил қилди»².

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий фаолияти банк-кредит тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолият – хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, ишловчиларни иш ҳақи билан таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар ва бошқалар юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар, яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари банклар орқали, ўз навбатида, олинадиган кредитлар ва бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар банк ва банклар билан бўладиган турли иқтисодий муносабатлар унчалик ошқора этилмас эди. Жаҳон хўжалигининг муҳим хўжалик юритиш қисми бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда ҳаммага маълумдир. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда, масалан, АҚШда банк тизимининг фаолияти ниҳоятда ривожланган бўлиб, тадбиркорликнинг актив иқтисодий фаолият кўрсатишида банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга комплекс равишда хизмат кўрсатади.

Банк операциялари актив ва пассив операциялардан иборат бўлиб, пассив операциялар пул маблағларини маълум бир йўналишга сафарбар этишга қаратилган бўлади. Банклар пассив операциялар орқали жамғармаларни ва вақтинчалик бўш турган маблағларни ишлаб чиқаришга

¹ Келтирилган статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Наманган вилояти бош=армасидан олинган.

² Муллажонов Ф. Ўзбекистон банк тизими: бар=арор ривожланиш, хал=аро мезонларга эришиш ййлида. // Бозор, Пул ва Кредит. №1. 2013. 4 бет.

сафарбар этиб, фойда олади. Актив операциялар турли характердаги кредитларни бериш операциялари билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги элементлари бўйича туркумланади:

Муддатлари бўйича кредитлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган бўлади.

Кредитлар ҳажми бўйича кичик, ўрта, йирик микдорда ҳар бир миқдорга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда берилади.

Айрим турлари бўйича махсус кафолатни талаб қиладиган, гаров эвазига бериладиган кредитлар бўлади:

- кредитларни турлари бўйича, яъни давлат, тижорат, халқаро ва бошқа турлари бўйича бериш.
- заёмни турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга бериш.
- вақтинчалик фойдаланиш учун, истеъмол учун, қарзларни тўлаш учун, экспорт ва импорт операцияларини бажариш учун бериладиган кредитлар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўз фаолиятида турли банклар билан муомалада бўладилар. Бу жараён олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар, асосан, корхоналар орқали банк ўз фаолиятини олиб борганлиги билан характер-ланади. Тадбиркорлик фаолияти шаклланиши туфайли банклар хусусий мулк эгалари ва кичик корхоналар фаолияти билан боғлиқ операцияларни бажаришга ўз маблағларини сафарбар этиб борадилар.

Тадбиркорларнинг банклар билан бўладиган операцияларида кўпгина эркинликлар бериб қўйилганлиги шунда намоён бўлмоқдаки, хусусий тадбиркор ўз жамғармасини Ўзбекистоннинг турли банкларидаги ўз ҳисоб счётида сақлаш, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига эга. Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда амал қиладиган қонунларга ва шартномаларга асосан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-

китоблар олиб бориш мумкин. Банклар тадбиркор счётида пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни сақлашни кафолатлаб беради. Банклар тадбиркорлар ва мижозлар билан бўладиган операцияларда пул эгаси томонидан топшириқ қоғози банкка келиб тушиши билан 12-13 соат давомида кейинги операцияларни бажариши зарур.

Мулк эгалари ҳисобига пул ўтказиш шаҳар ичида 4 иш кунда, вилоят ичида 5 иш кунда, республика ичида 10 иш кунда бажарилиши лозим. Агар бу қонун шартлари бузилса, мижозга йиллик фоиз миқдорида банк жарима тўлайди. Банк мижозларнинг аризасига биноан уларга тегишли операцияларни бажаради. Банклар тадбиркорларни Республика Марказий банки томонидан киритилган ўзгаришлардан, қоидалардан айниқса, ҳисоблар бўйича нақд пулсиз тарздаги операциялар бўйича ўзгаришлардан хабардор қилади. Банк мижозга кечикиб ўтказган операциялари учун, пулни нотўғри жўнатганлиги учун, айбдор сифатида, ҳар бир кун учун ўтказилаётган сумманинг 3 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Банкнинг айби билан ҳисоб ҳужжатлари йўқолса, мижозга ҳужжатда кўрсатилган сумманинг ҳар бир куни учун 3 фоиз миқдорида жарима тўланади. Кичик бизнес субъектлари томонидан банкка нотўғри маълумот берилган бўлса, (масалан, пул ўтказиш бўйича мижознинг адреси нотўғри кўрсатилган бўлса), мижоз 5000 сўм жарима тўлайди, агар шу ҳол такрорланса, банк мижозга хизмат кўрсатиш фаолиятини тўхтатади.

Кичик бизнес субъектлари билан банк ўртасида кредит бериш бўйича бўладиган операциялар икки томон ўртасида имзоланган шартнома асосида амалга оширилади. Операцияларни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир тадбиркор «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини чуқур ўрганиб, унга риоя қилиши лозим.

Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик корхоналарининг ҳаёти ва иқтисодий фаолияти валюта операциялари билан боғлиқлиги маълум. Тадбиркорлик корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда

ҳам миллий валюта, ҳам хориж валютасида операция-ларни бажаришига тўғри келмоқда. Айниқса, ташқи савдо жараёнлари бевосита валюта операциялари билан боғлиқ.

Валюта операциялари валюта курси бўйича икки томон валютаси нисбати солиштирилиб амалга оширилади. Ҳалқаро майдонда АҚШ доллари валюта котировкасида база сифатида қабул қилинган. Бошқа мамлакатлар валютаси, курс бўйича, АҚШ долларига солиштириб борилади. Доллар курси абадий бўлмай, у ҳам ўзгариб туради. Бу ўзгариш ҳар куни ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун банклар курсни банк фаолият бошлаш ёки ёпилиш вақтидаги курслар бўйича ҳисоб-китоб ишлари олиб боради. Валюта курсининг ўзгариб бориши ҳақида ҳар ҳафта матбуотда жадвал бериб борилади. Бу ахборот тадбиркорларнинг иқтисодий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Валюта операцияларида асосий ўринни кредит, қимматли қоғозлар, валютани фойда олиш мақсадида сотиб олиш ва сотиш кабилар эгаллайди. Хўжалик юритиш жараёнида хусусий мулк эгалари валюта ҳисоб-китоб счётига эга бўлиш ҳуқуқини олиб, эркин тарзда валютани сотиб олишлари ҳам мумкин. Тадбиркорлар ҳам, хориж фирмалари ва тадбиркорлари билан савдо қилиши учун валютани эркин сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Умуман, бозор иқтисодиёти жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг муомаладаги валюталарини мамлакат ички бозорида ҳаракат этиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Тадбиркорлар валюта билан боғлиқ бўлган фаолиятларидан самарали фойдаланиб, хориж валютасига янги техника ва замонавий технология ҳарид қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат сифатини оширишга, ишлаб чиқариш соҳасида сифатли товарлар ишлаб чиқариб, уни сотишдан катта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар.

Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бўлганлиги учун бу соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда

мамлакатимизда ривожланаётган банк-кредит тизимининг салмоғини кенгайтириб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида банк-кредит тизими деганда уларнинг таркибига қуйидаги молиявий муассасалар киради:

- давлат банки;
- тижорат банклари;
- кредит уюшмалари;
- халқаро молиявий кредит берувчи ташкилотлар.

Шундай қилиб, бу каби институтлар ўзининг фаолиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий қаратади. Уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Бу молиявий муассасалар ичида энг кенг ривожланаётгани тижорат банкларидир. Демак, бу соҳада тижорат банклари олдида ўз кредит ресурсларини иқтисодиётнинг асосан реал секторида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес иштирокчиларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтиришдан иборат энг долзарб вазифа турибди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимининг ўрни алоҳидадир. Марказий банк мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кичик бизнес субъектларига банк хизмати кўрсатишнинг, уларга банк кредитлари беришнинг соддалаштирилган тартиб-қоидаларини жорий этишни бошлаган эди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари томонидан берилган кредитларни ўзлаштириш натижасида ўтган давр мобайнида 320 мингга яқин янги иш жойлари вужудга келтирилди.

Тижорат банкларига берилаётган имтиёзлар банклар мустақиллигини ошириш ва уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш, кичик бизнес, тадбиркорлик тузилмалари ишлаб чиқариш, субъектларини кредитлашни кенгайтириш, шунингдек, банклар ва улар миждозлари ўртасида ўзаро фойдали шерикчилик алоқаларини шакллантириш

ҳамда халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб этишга хизмат қилмоқда.

Манфаатлар уйғунлигига эришилганлиги натижасида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармалари маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар берилди. Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларининг юқори инновация лойиҳаларини молиялаш учун доимий манбага эга бўлдилар ва бу тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини бошлаш ва ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар яратди.

Ҳар қандай ислохот муваффақияти, бу борада дунё тажрибасини, айниқса бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиётини ўрганиш ва унинг ўзини оқлаган илғор тажрибасини миллий иқтисодиётга ўринли татбиқ этишга боғлиқ бўлади. Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти асосан, йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ўртасида оқилона меҳнат тақсимотини йўлга қўйиш, шунингдек, улар ўртасида ишлаб чиқариш кооперациясини ўрнатиш орқали амалга оширилмоқда. Бунда йирик корхоналар кўп меҳнат талаб этадиган айрим ишларни, жумладан, машина, асбоб ва ускуналар қисмлари, деталлари ва бошқа бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни микрофирмалар ва кичик корхоналарга шартномалар асосида буюртма бериш орқали тайёрлаб олишга ўтишган. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорликни бизнинг иқтисодиётимизда ҳам қўллаш кичик бизнес ривожланишига яна бир карра туртки бўлган бўлар эди.

Ўз фаолиятини бошлаш учун дастлабки маблағга эга бўлмаган тадбиркорларга амалий ёрдам беришни йўлга қўйиш мақсадида микрофирмалар ва юридик шахс мақомидаги деҳқон хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари ҳамда кичик корхона ва фермер хўжаликларига эса энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда паст фоизларда микрокредит бериш жорий этилди. Ушбу кредитлар учун ўрнатиладиган фоиз устамаси эса Марказий банк қайта молиялаш

ставкасининг 1/6 қисми миқдорида белгиланган бўлиб, бугунги кунда бу кўрсаткич йиллик 2,7 фоизни ташкил этмоқда. Бошланғич сармояни шакллантириш учун бугунга қадар банклар томонидан 10,0 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар берилди ва шу орқали, бу ишни бошлаш учун бошланғич сармоёга эга бўлмаган 8910 кичик бизнес субъекти учун фаолиятини бошлаб юборишига имконият вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган қулайлик ва имтиёзлар бу билан чегараланмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан паст фоизларда бериладиган имтиёзли микрокредитларнинг ресурс манбаи чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу имтиёзли микрокредитларга имкон қадар кўп сонли кичик бизнес субъектларига кенг йўл бериш мақсадида бир тадбиркорлик субъектига бериладиган микрокредит миқдорида чеклов ўрнатилди. Микрокредитлар энг кўп миқдори юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсата якка тартибдаги тадбиркорлар учун 5000 АҚШ доллари эквиваленти ва шахс мақомида фаолият кўрсатаётган бизнес субъектлари учун 10000 АҚШ доллари эквиваленти билан чегараланган. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қонун ёлланма меҳнатдан фойдаланишни таъқиқлаганлиги сабабли, улар реал секторда 5000 АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган маблағни ўзлаштириш имкониятига эга эканликлари ҳисобга олинди.

Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларининг кредит беришни сўраб, зарурий ҳужжатлар илова қилиб берилган аризасини банк томонидан кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш муддати банк филиали учун якка тартибдаги тадбиркорлар аризаларини кўриб чиқиш муддати 5 иш куни, юридик шахс мақомидаги кичик бизнес субъектлари аризаларини кўриб чиқиш муддати 10 иш куни этиб белгиланди.

Бу тадбирлар тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан яхшиланишига ҳамда банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг янада яхшиланишида муҳим роль ўйнайди.

Тижорат банклари ўртасидаги соғлом рақобат улар томонидан ўз мижозларига банк хизматининг лизинг, факторинг, фор-фейтинг, контокоррент, овердрафт каби замонавий банк хизматлари янги турларини таклиф этиш имконини яратди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида банк-кредит тизими олиб бораётган фаолият энг янги технологиялар ва ускуналарни молиялашдан ташқари, қўллаб бошқа молия воситаларини ҳам ўз ичига олади. Булар, хусусан:

- имтиёзли кредитлаш махсус фонди маблағлари ҳисобидан кредитлар бериш;
- микрокредитлар бериш;
- янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг бошланғич сармоясини шакллантириш учун кредитлар ажратиш;
- оилавий тадбиркорликни кредитлаш.

Хулоса қилиб айтганда кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлашда банк-кредит тизимининг аҳамияти жуда катта. Кичик бизнес корхоналарини иқтисодий фаоллигини оширишда банк-кредит тизимини янада кенг фаолиятини таъминлаш ва бу тизимни ишлаш механизмининг янада ошириш борасида чора-тадбирларни кўрилиши, айнан кичик бизнес субъектларининг манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган бўлиши керак.

II-бoб: ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АСОСИДА ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ВА ҲУДУДИЙ МУАММОЛАР

2.1. Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши ва ҳудудий иқтисодиётга таъсири

Наманган вилояти иқтисодиёти миллий иқтисодиётнинг ҳудудий жиҳатдан таркибига кирган бўлиб, бугунги кунда ривожланиб бормоқда. Вилоятда турли корхоналар қаторида кичик бизнес корхоналарининг яққол ва устувор даражадаги фаолиятини кўриш мумкин. Бу Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг доимо қўллаб борилаётганлигидан далолат беради.

Жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида, Наманган вилоятидаги кичик бизнес субъектлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган маҳаллий кўламдаги чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу чора–тадбирлар республика миқёсида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга ошириб бориляпти.

Наманган вилоятида кичик бизнеснинг фаолияти туфайли ишбилармонлик муҳити кенг қулоқ ёйиб, қулай инвестициявий жозибадорликни касб этмоқда. Бу ўз навбатида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

2012 йилнинг якунига келиб, Наманган вилоятида жами 33290 та юридик шахслар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 29415 таси кичик бизнес субъектлари таркибидаги турли мулкчиликка асосланган хусусий корхоналарни ташкил этади. Бошқача айтганда рўйхатга олинган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 88,3%ни кичик бизнес субъектлари ташкил этади.

Наманган вилоятида жами рўйхатга олинган ҳужалик юритувчи субъектларнинг 90,2% фаолият кўрсатиб бормоқда. Фақатгина 9,8% ҳўжалик

юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини турли сабабларга кўра олиб бормаган.

2.1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарига нисбатан олганда 89,4%ни ташкил этган. Бу ерда жами рўйхатга олинган корхоналар ва уларга нисбатан фаолият кўрсатганларига кўра солиштириш таҳлилларини амалга оширсак, вазият бир оз жиддийроқ эканлигини кўриш мумкин.

2.1.1-жадвал


Наманган вилоятида жами рўйхатга олинган юридик шахслар ва фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони¹

Вилоят худудлари	Юридик шахслар жами		шу жумладан:					
			Кичик бизнес		шундан:			
					кичик корхона		микрофирма	
	Рўйхат- дан ўтган- лари	Фаолият кўрсат- ганлари	Рўйхат- дан ўтган- лари	Фаолият кўрсат- ганлари	Рўйхат- дан ўтган- лари	Фаолият кўрсат- ганлари	Рўйхат- дан ўтган- лари	Фаолият кўрсат- ганлари
Мингбулоқ	2087	2023	1901	1838	342	337	1559	1501
Косонсой	2300	2084	2041	1829	233	229	1808	1600
Наманган	2356	2242	2077	1967	278	274	1799	1693
Норин	1277	1235	1061	1021	285	284	776	737
Поп	2718	2582	2407	2273	123	122	2284	2151
Тўрақўрғон	2204	2037	1925	1763	332	321	1593	1442
Уйчи	1783	1654	1507	1386	249	249	1258	1137
Учқўрғон	2076	1894	1797	1619	352	351	1445	1268
Чортоқ	2659	2550	2408	2303	190	187	2218	2116
Чуст	3531	3274	3214	2964	325	318	2889	2646
Янгиқўрғон	3282	3226	3032	2976	216	215	2816	2761
Наманган ш.	7017	5249	6045	4378	484	437	5561	3941
Жами	33290	30050	29415	26317	3409	3324	26006	22993

¹ Жадвал диссертант томонидан Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган. Маълумотлар 01.01.2013 ҳолатига тўғри.

Агар фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини жами фаолият юритаётган хўжалик субъектларига нисбатан таққослайдиган бўлсак, улар 0,8 пунктга кам эканлигини ҳисоблардан келтириб чиқариш мумкин. Демак, кичик бизнес корхоналари фаолиятида у ёки бу даражадаги муаммолар борки, уларни рўйхатга олингандагига нисбатан фаолият кўрсатаётганлари жами юридик шахсларга нисбатан солиштирилганда камроқ чиқмоқда.

Наманган вилоятида рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг 3409 таси кичик корхоналар ва 26006 таси микрофирмалардир. Вилоятда рўйхатга олинган микрофирмалар рўйхатга олинган кичик корхоналарга нисбатан 7,6 баробардан кўпроқдир. Бундай корхоналар жамига нисбатан олганда 78,1%ни ташкил этади. Демак, рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари салмоғида микрофирмаларнинг сони устувордир. Уларнинг фаолият кўрсатаётганлари ҳам кичик корхоналарга нисбатан олганда 19669 тага кўпдир. Бу эса деярли фаолият кўрсатаётган микрофирмалар фаолият




**2.1.1-чизма. Наманган вилоятида жами корхоналар
улушида КБКларининг ҳолати¹**

¹ Чизма диссертант томонидан Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган. Маълумотлар 01.01.2013 ҳолатига тўғри.

кўрсатаётган кичик корхоналарга нисбатан олганда деярли 7 баробарга кўп эканлигини кўрсатади.

Наманган вилоятида хусусий корхоналардан иборат бўлган кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган ҳолатида айниқса Наманган шаҳрида (6045 та) жуда кўпдир. Шу билан бирга, Чуст (3214 та) ва Янгиқўрғон (3032 та) туманларида ҳам кичик бизнес корхоналарини рўйхатга олишда устуворлик сезилади. Агар бу каби кичик бизнес субъектларини фаолият кўрсатаётганларини ҳисобга оладиган бўлсак, юқорида қайд этилган тартибдагидек фаолият кўрсатаётганларини ҳам билиш қийин эмас.

Вилоятнинг Косонсой (2041 та), Наманган (2077 та), Поп (2407 та), Чортоқ (2408 та) туманларида аҳолининг зичлигида сезиларли фарк бўлмасада, ушбу туманларда рўйхатдан ўтган кичик бизнес корхоналари 2000 тадан ортиқни ташкил этган. Норин (1061 та), Уйчи (1507 та), Учқўрғон (1797 та), Мингбулоқ (1901 та), Тўрақўрғон (1925 та) каби туманларда эса нисбатан камроқ кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган.



2.1.2-чизма. Наманган вилоятида жами корхоналар ўсишидаги фарк¹

¹ Чизма диссертант томонидан статистик маълумотлар асосида тузилган.

Бироқ, кичик бизнес корхоналарини рўйхатга олишнинг йиллардаги динамикаси шуни кўрсатадики, йилдан йилга уларнинг миқдорида ўсиш тенденциялари мавжуд. Бу тенденциялар айниқса микрофирмалар салмоғида сезиларли даражада ошган. Бу ерда шуни ҳам қайд этиш керакки, Наманган вилоятида жами рўйхатга олинган корхоналар салмоғида ҳам, шунингдек, фаолият кўрсатганларининг улушида ҳам ўсиш суръатлари намоён бўлган. Масалан, сўнгги ўн йил мобайнида рўйхатга олинган корхоналар сони 16233 тага ошган. Бошқача айтганда Наманган вилоятида жами рўйхатга олинган корхоналар сонидagi ўсиш даражаси 95,1%ни ташкил этган.

Худди шунда ҳолда ушбу корхоналарнинг фаолият кўрсатганлари ҳам тегишли даврлар солиштирилганда ўсган. Агар 2002 йилда жами корхоналарнинг 15458 таси фаолият кўрсатган бўлса, 2012 йилга келиб уларнинг сони, яъни фаолият кўрсатган корхоналар сони 30050 тани ташкил этди. Бошқача айтганда корхоналарнинг фаолият кўрсатганлари сўнгги ўн йил мобайнида 14592 тага ёки 94,4%га ошган.

Бу ерда шуни қайд этиш керакки, жами корхоналарнинг рўйхатга олинганларидаги ўсишга нисбатан олганда, фаолият кўрсатганларидаги ўсиш суръати атиги 0,7 пунктга кам холос. Аммо хўжалик юритувчи субъектларнинг йилдан йилга ошиб бориши рақобат муҳитини ривожланишига, солиқлар тушумининг кўпайишига ва қолаверса, янги иш ўринларининг яратилишига катта имкониятлар яратади.

Бинобарин, 2002-2012 йилларда хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпайган бўлса, уларнинг таркибида хусусий корхоналар улуши ҳам ошиб борган (2.1.2-жадвалга қаранг).

2002-2012 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хос субъектлар сонида ҳам кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин 2.1.2-жадвалда келтирилганидек, 2002 йилда кичик бизнес субъектлари жами бўлиб, 15749 таси рўйхатдан ўтган ва уларнинг 14163 таси фаолият кўрсатган.

2012 йилга тегишли статистик маълумотларда эса, рўйхатдан ўтганлари 29415 тага етган бўлса, уларнинг фаолият кўрсатганлари 26317 тага етган. Бу

таҳлиллардан кўриниб турибдики, Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратиб борилмоқда. Бунда асосан ҳуқуқий асосларга таяниш ва белгиланган меъёрий ҳужжатларда келтирилганидек, чора-тадбирларга амал қилиб бориш мақсадга мувофиқ бўлмоқда.


2.1.2-жадвал

Наманган вилоятида 2002-2012 йилларда кичик бизнес субъектларининг миқдор жиҳатидан ривожланиши¹

Вилоят ҳудудлари	Кичик бизнес			
	Рўйхатдан ўтганлари		Фаолият кўрсатганлари	
	2002 й.	2012 й.	2002 й.	2012 й.
Мингбулоқ	787	1901	761	1838
Косонсой	1134	2041	1080	1829
Наманган	1172	2077	1050	1967
Норин	640	1061	614	1021
Поп	1184	2407	1167	2273
Тўрақўрғон	1128	1925	1058	1763
Уйчи	755	1507	742	1386
Учқўрғон	1105	1797	1067	1619
Чортоқ	827	2408	789	2303
Чуст	1431	3214	1392	2964
Янгиқўрғон	952	3032	940	2976
Наманган ш.	4634	6045	3503	4378
Жами	15749	29415	14163	26317

¹ Жадвал диссертант томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

Наманган вилоятида кичик бизнес субъектларининг ривожу айниқса Наманган шаҳрида устувордир. Наманган шаҳрида фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектлари 2002 йилга тегишли статистик маълумотларда келтирилганидек, 3503 тани ташкил этган. Худди шу кўрсаткич 2012 йилга тегишли статистик маълумотларда 4378 тани ташкил этган (2.2.2-жадвалга қarang). Демак сўнгги ўн йил мобайнида Наманган шаҳрида фаолият кўрсатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хос корхоналар сони 875 та кўпайган. Агар ҳар йилига тўғри келадиган ҳисоб-китобларни амалга оширсак, Наманган шаҳрида фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектлари йилига 87 тадан кўпроққа ошиб борганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.



2.1.3-чизма. Наманган вилоятида 2002-2012 йилларда кичик бизнес субъектлари сонидagi ўзгаришлар¹

Ҳақиқатдан ҳам Наманган вилоятининг маркази Наманган шаҳрида жуда кўп кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатиб, асосан, савдо ва

¹ Чизма диссертант томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида ишланган.

умумий овқатланиш соҳасида бундай корхоналарнинг салмоғи жуда катта. 2002 йилларда бу соҳада рўйхатга олинганлари 2630 тани ва фаолият кўрсатганлари 2166 тани ташкил этган.

2013 йилнинг бошига келиб эса, Наманган вилоятида савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 4640 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлса, уларнинг 3683 таси фаолият кўрсатгандир. Бу даврга келиб ушбу кўрсаткичлар бўйича Наманган шаҳри вилоят миқёсида ҳамон устуворликни касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Наманган вилояти ҳокимлигида ҳар ҳафтада бир маротаба ПФ-4058-сонли Фармоннинг ижроси бўйича муҳокама йиғилишлари ўтказилиб, кўтарилган муаммо ва масалаларни ҳал қилиш ҳамда республика доирасида ҳал этиладиган масалаларни Вазирлар Маҳкамасига мунтазам тақдим этиб бориш йўлга қўйилган. Бу борадаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар жойларда мунтазам бажариб борилмоқда.

2012 йил якунига қадар 20 марта йиғилиш ўтказилиб, бунда корхоналарнинг 35 тасини вилоят даражасидаги муаммолари ҳал этилган. Вилоят бўйича 6 та корхонага тегишли муаммолар Вазирлар Маҳкамасига қўйилиб, Республика протоколига киритилди ва қўйилган муаммолар ижобий ҳал этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йил 6 июлдаги “Наманган вилояти саноатининг индустриал салоҳиятини ривожлантириш, Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3215 сонли Фармойиши асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги 232-сонли қарорига мувофиқ вилоят ҳокимининг 2009 йил 18 августдаги 182-сонли қарори қабул қилиниб Дастур ишлаб чиқилди.

**Наманган вилоятида хўжалик юритувчи субъектларнинг
2002-2012 йиллардаги ўзгариши¹**

Вилоят худудлари	шу жумладан:											
	Кичик бизнес				шундан:							
					кичик корхона				микрофирма			
	Рўйхатдан ўтганлари		Фаолият кўрсатган- лари		Рўйхатдан ўтганлари		Фаолият кўрсатган- лари		Рўйхатдан ўтганлари		Фаолият кўрсатган- лари	
	2002 йил	2012 йил	2002 йил	2012 йил	2002 йил	2012 йил	2002 йил	2012 йил	2002 йил	2012 йил	2002 йил	2012 йил
Мингбулок	844	1901	818	1838	90	342	76	337	697	1559	676	1501
Косонсой	1224	2041	1170	1829	165	233	162	229	969	1808	916	1600
Наманган	1253	2077	1131	1967	164	278	142	274	1008	1799	908	1693
Норин	707	1061	681	1021	53	285	47	284	587	776	567	737
Поп	1273	2407	1257	2273	140	123	138	122	1043	2284	1029	2151
Тўрақўрғон	1222	1925	1152	1763	94	332	88	321	1034	1593	970	1442
Уйчи	845	1507	832	1386	99	249	97	249	656	1258	645	1137
Учқўрғон	1182	1797	1142	1619	73	352	69	351	1032	1445	998	1268
Чортоқ	917	2408	879	2303	88	190	84	187	739	2218	705	2116
Чуст	1534	3214	1494	2964	110	325	108	318	1321	2889	1284	2646
Янгиқўрғон	1029	3032	1017	2976	75	216	74	215	877	2816	866	2761
Наманган ш.	5027	6045	3885	4378	934	484	761	437	3700	5561	2742	3941
Жами	17057	29415	15458	26317	2085	3409	1846	3324	13663	26006	12306	22993

Мазкур қарорни самарали бажариш мақсадида вилоят ҳокими раҳбарлигида 29 кишидан иборат вилоят комиссияси ва доимий асосда фаолият кўрсатувчи 6 кишидан иборат ишчи гуруҳ таркиби тузилди.

Истиқболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича 2009-2012 йилларда 21 та корхонани модернизация қилиш, молиявий соғломлаштириш юзасидан 83 та

¹ Жадвал диссертант томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

лойиха топшириқлари белгиланди. Шундан 2009 йил мобайнида 25 та вазифалар бажарилди. Шунингдек, 8 та корхонада ишлаб чиқариш кувватлардан фойдаланиш даражаси оширилди.

Улар томонидан белгиланган параметрлар ва чора-тадбирларни бажарилиши ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан ҳар 10 кунда муҳокама ўтказилиши белгилаб олинди. Ҳозирги кунга қадар 11 та йиғилиш ўтказилиб, корхоналар муаммоларини ҳал этиш бўйича тегишли ташкилот ва идоралар билан иш ташкил этилган. Республика миқёсида ҳал этиладиган масалалар юзасидан маълумотлар Дастурнинг бажарилиши бўйича Республика йиғма ишчи гуруҳига тақдим этилди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, хусусий мулкчилик асосидаги корхоналар маҳаллий, яъни вилоят миқёсидаги иқтисодиётнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Вилоятдаги ўзгаришларни кундан-кунга кузатганда бунинг учун далил қидиришнинг кераги йўқ. Хусусий корхоналарнинг ривожланиб боришида маҳаллий иқтисодиёт таркибида қуйидагича ўзгаришлар амалга ошмоқда:

- вилоят аҳолиси таркибида бизнес-элита қатлами кенгайиб бормоқда;
- маҳаллий иқтисодиётнинг кўрсаткичларида деярли ҳар соҳада йилдан йилга юксалишга эришиб борилмоқда;
- шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовутлар йўқолиб бормоқда ва турмуш фаровонлиги ошмоқда;
- ҳар жойда ободонлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар таъсири кучаймоқда, бу ҳам иқтисодий жиҳатдан ликвидлилик даражаси ошгандагина рўй беришини алоҳида қайд этиш керак;
- янгидан-янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, янги иш ўринларини яратиш имконияти кенгаймоқда.
- инсонларда қўшимча меҳнат қилишга бўлган истиёқ пайдо бўлиб, бир эмас, икки жойда ишлашга кўникма пайдо бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда Наманган вилоятида хусусий корхоналарни иқтисодий фаолиятини таъминлаш ва уларга шарт-шароитлар яратиш

борасида кўп ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу соҳадаги ишлар давом этмоқда. Чунки ислохотларнинг босқичма-босқич амалга ошириб бориш ҳали давом этмоқда.

2.2. Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар

Мамлакатимизда қонун устуворлигига жиддий амал қилинар экан, барча вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда салоҳиятли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳуқуқий жиҳатдан тартиб ўрнатувчи органлар фаолиятини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Уларнинг диққат-эътиборида тадбиркорлик фаолиятини юритишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар, хусусан, баъзи мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан жиддий чоралар кўриш, ўз бизнесини йўлга қўйишда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, қонунчиликда назарда тутилмаган ҳужжатларни асоссиз талаб қилиш ҳолларига чек қўйишга қаратилмоқда.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларнинг ижросини назорат қилиш, банкларга кредит сўраб мурожаат этган, аммо аризалари қондирилмаган тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам тартибот органлари ходимларининг бевосита функциясидир.

Шу ўринда 2011 йил Наманган вилоятида 15 та корхона ва 978 та кичик бизнес субъектларига мансуб бўлган корхоналар айрим сабаблар билан ўз фаолиятини тўхтатганлиги аниқлангач, уларга ҳуқуқий бошқарув органлари томонидан ҳар томонлама ёрдам берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада, 2011 йилнинг уч ойида 541 та янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда банк-молия тизимини барқарор ривожлантириш, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга йил сайин катта эътибор қаратилмоқда. Оқибатда, иқтисодий

соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш борасида салмоқли натижаларга эришиляпти. Масалан, Халқ банки ўз мижозларининг ишончини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини кескин камайитириш, янги омонат турларини жорий этиш йўлида барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

2.1.1-жадвал

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитлар¹

Худудлар, туманлар	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитлар, млн. сўм			Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига қайта молиялаштирилган ҳолда берилган эркин муомаладаги валюта (СКВ) кредитлари.		
	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр	2012 йил январ-декабр	2010 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)	2011 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)	2012 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)
Мингбулоқ	4252,7	5319,0	7039,8			
Косонсой	4589,5	6735,6	8781,8			
Наманган	4722,6	6233,7	8147,6			
Норин	3678,7	4988,6	6463,5			
Поп	5498,2	8131,7	10906,7			
Тўрақўрғон	4397,6	7141,5	9548,4			
Уйчи	5195,4	7867,3	10454,4			
Учқўрғон	5886,9	9723,1	12817,7			
Чортоқ	5303,3	7837,0	10384,4			
Чуст	5738,1	8458,6	11208,9			
Янгиқўрғон	4381,0	5884,7	7840,0			
Наманган ш.	58585,2	90186,9	121653,0	676,0	953,0	
Жами	112229,2	168507,7	225246,2	676,0	953,0	0,0

Бироқ, шуни алоҳида эътироф этиш керакки, кичик бизнесни ривожлантириш ва бу соҳани молиявий қўллаб қувватлашни кенгайтириб

¹ Жавдал диссертант томонидан Марказий банкнинг Наманган вилояти бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

бориш билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар иўтисодиё муносабатлардаги жараёнларда ўзига хос шаклланиб қолмоқда.

2.3.2-жадвал

Наманган вилояти бўйича кичик бизнес субъектлари учун ажратилган узоқ ва қисқа муддатли кредитлар¹

№	Шаҳар ва туманлар номи	2013 йил 1 январ ҳолатига				
		Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар млн.сўм	шу жумладан		Хорижий кредитларни ўзлаштириш	
			қисқа муддатли	узоқ муддатли	минг АҚШ долл	минг Евро

Вилоят бўйича		226246,2	68573,8	157672,3	-	-
1	Наманган ш.	122653,0	37495,9	85157,1	-	-
2	Мингбулоқ	7039,8	2111,9	4927,8	-	-
3	Косонсой	8781,8	2634,5	6147,3	-	-
4	Наманган	8147,6	2444,3	5703,4	-	-
5	Норин	6463,5	1939,0	4524,4	-	-
6	Поп	10906,7	3272,0	7634,7	-	-
7	Тўрақўрғон	9548,4	2864,5	6683,9	-	-
8	Уйчи	10454,4	3136,3	7318,1	-	-
9	Учқўрғон	12817,7	3845,3	8972,4	-	-
10	Чортоқ	10384,3	3115,3	7269,0	-	-
11	Чуст	11208,9	3362,7	7846,3	-	-
12	Янгиқўрғон	7840,0	2352,0	5488,0	-	-

2010-2012 йилларга тегишли таҳлиллар шуни кўрсатдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хўжаликлар ва корхоналар ўртасида тузилган контрактация шартномаларининг механизми яхши ишламаган. Кредит олиб фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари етказиб берган маҳсулот, бажарган ишлари учун ўз вақтида ҳақ ололмаган. Натижада, унинг дебиторлик қарзлари кўпайган. Кредитни узиш учун эса ишбилармонлар бизнес-режада кўрсатилган

¹ Жавдал диссертант томонидан Марказий банкнинг Наманган вилояти бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

харажатлардан баъзан четга чиқишга мажбур бўлганлар. Бу ўз навбатида «кредитдан номаксуд фойдаланган» деган муаммони келтириб чиқарди.

Ҳозирга қадар кредит маблағларидан «мақсадсиз» фойдаланганликни баҳолашнинг на назарий, на амалий мезонлари ишлаб чиқилмагани эса бизнес субъектлари билан бюджетдан ташқари фондлар, суғурта идоралари ва бозор инфратузилмасидаги бошқа ташкилотлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқармоқда.

Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кўпчилик тижорат банклари орқали кредитни бошқаришдаги жиддий қийинчиликлар ҳали тўла бартараф этилмаган. Ҳозирги кунда молиявий соҳада юзага келаётган муаммоларнинг олди олинмаса, ҳудудий миқёсдаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида мамлакат миқёсидаги иқтисодиётнинг барқарорлигига салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Бу каби салбий ҳолатлар ўз-ўзидан бизнес сектор фаолиятидаги макроиқтисодий доиравий ҳаракатни секинлаштиради. Амалда 2.2.1-чизмада кўрсатилганидек иқтисодий муносабатлар амалга оширилмай, турли томонлар ўртасидаги маблағлар ва ресурслар айирбошланишида ташкилий-иқтисодий тўсиқлар ривожланиши мумкин. Айрим корхона раҳбарларида иқтисодий ва ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги эса, ушбу вазиятларни кескинлашувига олиб келади.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ишлаш жараёнида қуйидагича муаммолар келиб чиқмоқда:

- нақд пул маблағларини олишдаги қийинчиликлар;
- тўлов мажбуриятларининг секин бажарилиши;
- кредит олишдаги қийинчиликлар;
- малакали маслаҳатлар ва зарур ахборотларнинг етарли эмаслиги.

Кредитларни олиш ва қайтаришда эса қуйидагича асосий қийинчиликлар юзага келган:

- кредит таъминотида юқори талабларнинг мавжудлиги;

- маблағлардан фойдаланиш жараёнида банклар томонидан ўрнатилган назоратнинг қаттиқлиги ва хилма-хил ҳужжатлар талаб қилиниши;
- бизнес-режа тузишдаги қийинчиликлар ва қийматининг юқорилиги.

Бугунги кунда «банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш талаб этилади»¹, – деб таъкидлайди И. А. Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, биринчи сессиясидаги нутқида.


Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида нақд пулсиз тўловлардан фойдаланиш каби муҳим омил амалда ўз таъсирини сушт даражада кўрсатяпти. Банк томонидан амалга оширилаётган тўловларнинг асоссиз тўхтатиб қўйиш ҳоллари кўп тадбиркорларнинг бизнесига салбий таъсир қилмоқда. Масалан, Поп туманидаги «Нодирбек», «Беш фарз» хусусий савдо корхоналарининг 57 минг сўмлик пули ўтказилганлик тўғрисидаги далолатнома 6–7 кун давомида асоссиз тўхтатиб қўйилган.

Эътиборлиси шундаки, банк операцияларининг бажарилишида ҳам муайян даражадаги муаммолар шаклланган. Масалан, 2007 йилда кичик бизнес субъектлари ўз ҳисоб рақамидан нақд пул олишларидаги ўртача муддатлар турлича иш кунда берилганлиги 2.2.2-чизмада келтирилган.

Қайд этиш керакки, кредит олганлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бўлиб, бундай банкларнинг бозор муносабатларидаги фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш муҳимдир. Акс ҳолда банк тизимига ишончнинг йўқолиши туфайли Россия иқтисодиётидаги каби сўнгги воқеаларга ўхшаш салбий жараёнлар авж олиши мумкин. Бу эса товарларнинг анча қимматлашиб кетишига ва бозор мувозанатининг бузилишига, инфляциянинг кескин кучайиб кетишига олиб келади.

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 337-бет.

иш куни ҳисобида



2.3.2-чизма. Корхоналарнинг ўз ҳисоб рақамларидан нақд пулларини олишларидаги ўртача муддатлар¹
(маълумот 2007 йил ҳолатига тўғри)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида банк кредитлари берилишида қарзнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича талабларнинг юқорилиги ҳам ўзига хос қийинчиликни туғдиради. Бундан ташқари кредит йўналтирилаётган лойиҳа суммасининг 25%и хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағларидан таъминланиши керак. Кўриниб турибдики, кредитларни расмийлаштириш ва бериш бўйича меъёрий талабларнинг юқорилиги туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари бир мунча қийинлашмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун «...микрокредитлар ажратишга худди катта инвестиция лойиҳаларига берилаётган кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйилмоқда»². Шу нуқтаи назардан 2010 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасида респондентлардан

¹ Манба: Деловая среда в Узбекистане глазами представителей частного бизнеса. / Отчет Международной финансовой корпорации (IFC). –Т.: 2009. С. 126.

² Каримов И. А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз. / Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 391-бет.

олинган жавоблардан маълум бўлдики, уларнинг аксарияти (51,1%) бизнесни юритиш ва ўз корхоналарини ташкил этишда дастлабки молиявий ресурсларни ўзларининг капиталлари ва ўз таваккалчилиги асосида амалга оширганлар. 2012 йил сўровнома маълумотларида эса уларнинг улуши 42,1%ни ташкил этиб, 2010 йилдаги тадқиқот натижаларига нисбатан олганда 9,0 пунктга камайганлигини кўрсатди. Бу камайиш тенденцияси ўз капиталларига асосланган ишбилармонларнинг камайишини англатмайди балки, уларнинг тарикибида банк хизматларидан фойдаланганлари кўпайганлигини кўрсатмоқда. Чунки респондентларнинг 40,5% ўз маблағларини банкдан олган кредитлари орқали шакллантирганликларини ўз жавобларида эътироф этмоқдалар. Аммо 2012 йилдаги сўровнома жавобларида ўз капиталига асосланиб ўз бизнесини юритаётганлар улуши берилган жавоблар салмоғида устуворликни сақлаб қолган. (2.2.1-жадвал).

Олиб борган илмий тадқиқотларимиз, банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар муайян даражада самара берганлигини ҳам инкор этмайди. Аниқроғи, 2012 йилга келиб, респондентларнинг 40,5%и ўз бизнесини ташкил этишда банк кредитларидан фойдаланганлар. Бу эса 2010 йилдаги ҳолатга нисбатан 10,2 пунктга ошганлигини кўрсатди. Шу билан бирга хусусий шахслар томонидан кўрсатилган молиявий таъминотда ҳам сезиларли бўлмаса-да, кўпайиш томонга силжиш мавжуд. Лекин қариндош-уруғларлар олинган пул маблағларига асосланиб бизнес юритганлар камайиш тенденциясини олган.

Фикримизча, молиявий ташкилотлар томонидан кредитлар тобора кўп ажратилиб, «ижобий силжишлар кўзга ташланаётган бўлса-да кредитлар бериш жараёнини соддалаштириш масаласи ҳамон долзарб»¹лигича қолмоқда. Умуман олганда Республиканинг банк тизимидаги кредитларни бошқаришда талай қуйидагича камчиликлар мавжуд:

¹ Каримов И. А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. / Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 419-бет.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этишдаги дастлабки молиявий манбалар салмоғи¹

(фоизларда)

Бизнесни ташкил этишда олинган молиявий ресурслар	Сўровнома ўтказилган йилларда, сўралганларга нисбатан % ҳисобида		2012 йилнинг 2010 йилга фарқи (–; Қ)
	2010 й.	2012 й.	
Ўз капитали	51,1	42,1	–9
Банкдан олинган кредит	30,3	40,5	Қ10,2
Фондлардан олинган маблағлар	5,5	6,1	–0,6
Хусусий шахслардан (танишлардан)	6,4	7,2	Қ0,8
Қариндош-уруғлардан	6,7	4,1	–2,6

– кредит берилишидаги тартиб-қоидалар соддалашгани билан кредитни расмийлаштиришдаги сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги, қарз олувчиларга нисбатан қўйилаётган молиявий мазмундаги талаблар тадбиркорларнинг реал имкониятлари даражасига мос эмаслиги;

– соҳани кредитлашда таҳлилий тадбирларнинг заифлиги;

– кредитлаш жараёнида мониторинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;

– кредит портфели таркибига нисбатан давлат томонидан аниқ талаблар қўйилмаганлиги;

– кредитлаш марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тартибининг барқарор эмаслиги.

¹ Жадвал диссертант томонидан ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида ҳисоблаб тузилган.

Бундай камчиликлар ўз таъсирини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ўтказиб, уларни иқтисодий жихатдан тартибга солишни мушуқлаштиради.

«Мазкур банклар уларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа – ишбилармон ва тадбиркорларга, авваламбор, манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиш вазифасини ечишдан ҳали-бери олис ва ожиздир»¹. Кичик ва хусусий корхоналарнинг кредит олиш тартиблари мураккаблиги оқибатида хорижий кредит ресурсларидан фойдаланишдаги тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Халқаро банклар (масалан ЕТТБ, ОТБ) томонидан очилган кредит йўналишлари бўйича тадбиркорлик субъектлари орасида танлов ўтказиш асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизми жорий этилмаган. Бу ҳақида Президент ўз нутқларида ҳам қайд этган².

Ушбу илмий тадқиқотлар натижасини ҳулосалаб, бизнинг таклифимиз шуки, вилоятлар бўйича кредит қўйилмалари тақсимотини мувофиқ белгилаш, яъни вилоятларда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналарнинг кредит олишга бўлган талабларини атрофлича ўрганган ҳолда кредит қўйилмаларининг тақсимотини амалга ошириш лозим. Умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тижорат банклари, турли хил фондлар, бозор тузилмалари ва йирик корхоналар билан иқтисодий алоқаларини амалда мустаҳкамлаш, уларни ҳақиқий шерикчилик муносабатларига айлантириш бугунги куннинг долзарб мавзусига айланган.

2.3. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашда молиявий инфратузилманинг таъсири

Маълумки, молиявий инфратузилма фаолияти деганда, банклар фаолияти ва молия бозори субъектларининг иқтисодий муносабатларини

¹ Каримов И. А. Тадбиркорлик – юксалиш гарови. / Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 51-бет.

² Қаранг: Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 265–266-бетлар.

тушунамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлашда эса айнан шундай субъектлар фаоллиги муҳимдир.

Ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистонда секин-асталик билан банклар фаолияти кенгая борди, бу жараёнларни фаоллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўрнини алоҳида қайд этиш керак. Республика Миллий банки томонидан ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бир қўторда мамлакатимизда шаклланиб келаётган тижорат банклари фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлаш тобора кенг ташкил этилмоқда.

Тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш ва инвестиция фаоллигини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида банк тизимининг жами капитали 2013 йилнинг биринчи чорак якунларида, 2012 йилнинг шу даврига нисбатан олганда 23,5 фоизга, уларнинг жами активлари 30,5 фоизга кўпайди. Мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 2013 йилнинг биринчи чорагида 24,3 фоизга етди. Бу эса Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг амалдаги минимал талабларидан 3 баробар ортиқ эканлигини кўрсатмоқда.

«2013 йилнинг биринчи чорагида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш учун «Микрокредитбанк»нинг 7,1 миллиард сўмдан ошиқ кредит маблағлари йўналтирилди. Натижада 1,5 мингга яқин маиший хизмат кўрсатиш объекти, 1,2 мингдан зиёд чакана савдо ва умумий овқатланиш корхонаси ташкил этилди. Бу эса маиший хизматларни 17,1 фоиз, савдо ҳамда умумий овқатланиш хизматларини 13,3 фоизга ошириш имконини берди»¹.

Айни даврда Ўзбекистон Республикаси Миллий банки мамлакатимиз банк тизимининг халқаро молия бозорларидаги “Ташрифномаси” бўлиб қолди. Консерватив, пухта ўйланган сиёсатга таяниб, банкни бошқаришнинг самарали механизмларини, ўсиш стратегиясини ишлаб чиқди. Бу эса унга

¹ Ўзбекистон Республикасини 2013 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. // Халқ сўзи. 1 май. 2013 йил.

дадил ва жўшқин ривожланиб, профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли шериги сифатида мустаҳкам обрўга эга бўлиш имконини берди.

Мустақиллик йилларида Миллий банк иқтисодиётимизнинг таркибан чуқур қайта қурилишини таъминловчи лойиҳаларни молиялади. Буларни ичида энг муҳими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ва республика иқтисодиётининг янги қиёфасини шакллантирувчи кўплаб лойиҳалардир.

1993 йилдан буён “Банкир” журнали рейтингига кўра, Миллий банк жаҳондаги энг катта банк муассасаларининг обрўли биринчи минглигига кирган ва ҳозирги кунда 324-ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатимиз банк шўъбаси жадал ривожланаётган шароитда Миллий банк Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб ҳисоб юритиш халқаро андозаларига мос келадиган янги ҳисобварақлар режасидан фойдаланишга ўтди. Ҳозирги вақтда Миллий банкда жорий этилаётган энг янги “Глобус” автоматлаштирилган банк тизими банкка ўз бизнесини максимал даражада кенгайтириш имконини беради.

Халқаро алоқалар фаол ривожланмоқда. Ҳозирги кунда Миллий банк вакиллик тармоғи жаҳоннинг 67 мамлакатидаги 570 банкни ўз ичига олган. Банк 2007 йилда республика молия бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаб, ривожланишда ижобий динамикага эришди. Миллий банкнинг жамлама баланси ҳажми эквивалентда 9,858 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2008 йилда кредит портфели ҳажми 4,836,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Миллий банк кенг доирада юритаётган фаолият ички ва халқаро банк операцияларининг амалда барча соҳаларини қамраб олган. Банк халқаро молия ташкилотлари, хорижий банклар ва экспорт-импорт агентликлари ажратаётган кредит йўналишларидан фойдаланиш мақсадида корпоратив хизматлар кўрсатиб, улар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида аниқ ва мақсадли сиёсат юритмоқда. Хусусан:

Ташқи савдо фаолияти, лойиҳаларни молиялаш, инвестицияга доир банк иши, чакана хизматлар ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз банк тизими жами активларининг 70 % дан ортиғи ва банк тизими жами сармоясининг 57 % миллий банк улушига тўғри келади. Лекин ушбу ютуқларга қарамай Республика Миллий банки олдида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар ҳам турибди. Жумладан: Мавжуд ва потенциал мижозлар мақсад гуруҳларининг эҳтиёжлари ҳамда талабларига жавоб берувчи фаол маркетинг сиёсатини шакллантириш; корпоратив мижозлар билан ишлашни кучайтириш.

Мумкин қадар кўпроқ биринчи даражали мижозларни банкка жалб этиш ва узоқ муддатли асосда бириктириб олиш; мижозлар билан ишлашнинг андозавий технологияларини ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув билан уйғунлаштиришга асосланган янги идеологиясини жорий этиш; мамлакат чакана бозоридаги пешқадамликни сақлаб қолиш, инвестиция дастурини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурини амалга оширишда давлатга максимал даражада ёрдам берилишини, республикаимиз экспорти қўллаб-қувватланишини таъминлаш; мижозлар кенг доирасига таяниб, активлар ва пасивлар структурасининг мувозанати ҳолатини таъминлаш, уларни бошқаришнинг замонавий усуллари жорий этиш; ресурс негизини диверсификациялаш. Жумладан, бунда ташқи молиялашдан фойдаланиш, банкнинг хорижий инвесторлар олдидаги катта обрўсидан, халқаро андозалар бўйича банк ишончилигининг юқори кўрсаткичларидан фойдаланиб, халқаро бозорларда банк учун мақбул нархларда сармоя жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш; даромадлилик, ликвидликни ошириш, валюта ва бозорга оид хатарларни камайитиш мақсадида инвестиция портфели тузилишини мақбуллаштириш; банкни бошқаришнинг мослашувчан тузилишини барпо этиш. Бунда бошқарувнинг иқтисодий воситалари ҳамда ваколатларни тақсимлашнинг мақбул тизимига асосланиш; банкка аҳолининг қўлидаги бўш маблағларни жалб этиш.

Агар юқорида кўрсатилган вазифалар ижобий ҳал этилса, келажакда Миллий банк янада юксак чўққиларга эришади.

Ўзбекистон молия бозори мунтазам равишда такомиллашиб, унинг иштирокчилари доираси кенгаймоқда, операциялар турлари кўпайиб, меъёрлар ишлаб чиқариш жараёни давом этмоқда. Қимматли қоғозлар бозори – молия бозорининг қимматли қоғозлар эмиссияси ва муомаласи амалга ошириладиган қисми бўлиб, у орқали молиявий ресурслар ортиқча соҳалардан танқис соҳаларга қўйилади. Сармояларнинг фойдали тармоқлар ва ишлаб чиқаришларга самарали ўтиш яхши ташкил этилган фонд бозорига боғлиқ. Республикамизда қимматли қоғозлар бозори давлат ташаббуси ва қўллаб-қувватлаш асосида шаклланимоқда.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиёт мулкчилиги ва хўжалик юрисишнинг хилма-хил шаклларига суянган ҳолда тараққий этади. Бу иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, мулкчилигининг акциядорлик шакли бозор тамойилларига энг мувофиқлашган ҳолда самарали хўжалик юрисишга имкон беради. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари бозор иқтисодиёти мамлакатлари хўжалик тузилмалари таркибида етакчи ўринни эгаллаган. Ўзбекистонда амалга ошириладиган бозор ислохотлари жараёнида ҳам барча тармоқларда корхоналарнинг бу шакли ташкил этилмоқда ва фойда юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасидаги қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти тизимининг молиявий механизми бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вақтинча бўш маблағларнинг айланишига кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикасида олиб бориладиган хусусийлаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш жараёнини олиб бориш суръати айрим ҳолларда раҳбарлар ва тадбиркор мулкдорларнинг, талабаларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билим савияси ўсишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ривожланган бозор муносабатларига кириб борар экан. Молия бозорлари ҳақидаги билимларга эга бўлишнинг ҳаётий муҳимлиги ортиб бормоқда. Молия бозорини янада чуқурроқ ўрганиш мамлакатимизда молия бозорлари ривожланишида фаол иштирок этиш имконини беради.

Ҳозирги кунда республикамызда бозор иқтисодиётига ўтиш, хусусан, қимматли қоғозлар фонд бозорини шакллантириш, ривожлантириш учун ҳам барча ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар фонд биржалари тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Акциодорлик жамиятлари ва Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг «Депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги махсус қонунлар республика қимматли қоғозлар бозорининг қонуний шакллантирилиши, тартибга солиши, уларнинг ҳаракатини белгилаб бериш учун қабул қилинган.

Мамлакатимизда ушбу қонунларнинг қабул қилиниши натижасида, қисқа вақт ичида фонд бозори ва унинг инфратузилмаларининг ажралмас қисми бўлган Марказий депозитарий ва иккинчи даражали депозитарийлар, реестр юритувчи, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция компаниялари, ХИФлар, бошқарув компаниялари, биржалар, брокер ва дилерлик идоралари ташкил қилинди. Қимматли қоғозлар бозори савдо капиталининг ривожланиш бўсағасида пайдо бўлган ва кўпчилик Ғарб мамлакатларида у хўжалик механизмининг энг барқарор ва йўлга қўйилган қисмларидан бири ҳисобланади. У аллақачон биржа ва биржадан ташқари савдо тизимига сингиб кетган, унинг ўз ақида ва анаъаналари мавжуд, баъзи қоидалар ва анъаналар асрий тарихга эга.

Президентимиз И.А. Каримов ҳам Фонд бозорини ривожлантириш тўғрисидаги маърузасида таъкидлаб ўтган: “Фонд бозорини, айниқса, иккиламчи бозорни жадал ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламларини

фонд бозорида иштирок этишга жалб қилишга алоҳида эътибор бериш зарур”.

Республикамизда ҳозирги даврда қимматли қоғозлар бозори хали шаклланиш, ривожланиш босқичида. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг пайдо бўлиши давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва Акционерлик корхоналарига айлантириш жараёнлари билан боғлиқ. Бу бозор бошқа барча бозорлардан, унда айланадиган товар-қимматли қоғозлар билан ажралиб туради. Ўз навбатида, уларнинг айланиши бу бозор иштирокчиларининг алоҳида таркиби, унинг фаолият юритиш тартиби, уни тартибга солиш қоидалари ва бошқаларни белгилайди.

Барча турдаги қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши орқалигина барқарор ривожланган иқтисодиётга эришишимиз мумкин. Айнан бу занжирдаги бир турнинг унчалик яхши ривожланмаганлиги бу даврнинг бузилиши ва қайсидир корхонанинг ўз қимматли қоғозларини жойлаштира олмаганлигини билдиради. Республикамизда айниқса иккиламчи бозорни янада такомиллаштиришга эришилса, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишини кўришимиз мумкин. Иккиламчи бозорнинг ривожланиши натижасида қимматли қоғозларнинг муомалада бўлишини янада такомиллаштирган бўларди.

III-бoб: ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ВА МОЛИЯЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШ-ТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. «Обод турмуш йили» тадбирлари доирасида кичик бизнес ривожлантирилиши йўналишлари

Маълумки, 2012 йилдаги солиқ сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга кенг эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорига мувофиқ, Молия-банк, маиший ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар 2017 йил 1 январигача фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб агар имтиёзлар берилган хизмат турларини кўрсатишдан тушган тушум умумий тушум ҳажмида 80 ва ундан юқори фоизни ташкил этса, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига татбиқ этилди. Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди. Хизмат турлари бўйича берилган солиқ имтиёзлари қуйидаги жадвалда келтирилган (3.1.1-жадвал).

Бундан ташқари “Мустаҳкам оила йили” давлат Дастури мазмунига мувофиқ қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал, маиший техникани таъмирлаш бўйича уста ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга, қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган кирхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тегишли

равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди. Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди. Ушбу берилган солиқ имтиёзлари ўз навбатида 2013-“Обод турмуш йили” мазмунига мос келиб, ҳукуматимизнинг аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш вазифаларидан, шунингдек 2013 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

3.1.1-жадвал

2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан имтиёз ҳуқуқига эга хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар

Хизмат турлари		
Молия банк хизматлари	Маиший хизматлар	Бошқа хизматлар
- лизинг бўйича хизматлар; - суғурта бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг хизматлари; - аудиторлик хизматлари; - бухгалтерлик ҳисобини юритиш бўйича хизматлар; - микрокредитлаш бўйича хизматлар; - солиқ маслаҳати хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар	- чарм буюмлари ва пойафзал таъмирлаш хизматлари; - соатсозлик ва таъмирлаш хизматлари; - маиший электрон ва электр асбобларига техник хизматлар кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар	- ветеринария хизматлари; - таълим соҳасидаги, компютерда ишлашга ўқитиш хизматлари; - санаториялар, болалар соғломлаштириш муассасалари, болалар спорт секциялари ва муассасалари хизматлари; - ногиронлар, қариялар ва болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ ижтимоий хизматлар; - риэлторлик хизматлари - ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва электрон таълим хизматлари

2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан белгиланган мақсадлар ва вазифаларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари

ва манфаатларини ҳимоя қилишни, аҳолининг иқтисодий ночор катламларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш, ижтимоий соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишнинг зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди¹.

Алоҳида эътироф этиш керак, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли ишларнинг мантикий давомидир. “Обод турмуш йили” Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилада ва, умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Президентимиз маърузасида 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифа ва йўналишлари белгилаб берилди:

1) иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш;

2) иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва қўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;

3) йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

4) мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

5) иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш;

6) аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлаш¹.

Фикримизча, 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги лойиҳаларни кредитлаш кўламларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, социал ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ижтимоий қатлам тикланмоқда.

Демак, республикамиз минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини, шулар асосидагина иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Шундай экан, минтақалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим².

Аҳоли бандлиги вадаромадларининг ўсиши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга боғлиқ. Бугун мамлакатимиздаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг 87 фоизи нодавлат мулкчилик шаклига эга кичик ва хусусий бизнес корхоналаридир. Ялпи ички маҳсулотнинг 83,6 фоиздан ортиғи, ишлаб чиқарилаётган саноат

¹ 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида. 2013 йил 18 январь. - <http://uza.uz/oz/documents/25009/>

² Зиявиддинова Н. Иқтисодий эркинлик ва рақобат шароитида кичик бизнесда инновациялар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали. 2012 йил, № 6.

маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи, деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади – кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлигини доимий ошириб бориш ҳисобланади.

Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари – замонавий бозор механизмларига, яъни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни таъминлаш асосида мамлакатда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шарти эканлигига алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши – ички бозорни сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлдиришнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайишининг жаҳон бозори талабларига мос экспорт таркиби кўпайишининг, янги иш ўринлари яратишнинг, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг ва шу асосда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнесга янги имтиёзлар яратиш республикамиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда бир қатор қонун ва мъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг ижроси соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди. Янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ана шулар жумласидандир.

Ўтган йили соҳада рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилингани, молиявий ҳисобот топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилгани давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви тубдан қисқарганининг амалий ифодасидир. Бу каби имтиёзлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, 1 январдан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солиқ ҳисоботи шакли бекор қилингани эътиборга молик.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари ҳам сезиларли даражада соддалаштирилди. Гап шундаки, айни пайтда бизнесни рўйхатга олиш жараёни “бир дарча” тамойили асосида атиги икки кун ичида амалга оширилаяптики, бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мос келади¹.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунга асосан, иқтисодиётимизда хўжалик фаолиятининг оилавий корхоналар шаклидаги халқимиз менталитети ва анъаналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар берилди. Бунинг натижасида қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимизда 600 дан ортиқ шундай корхона ташкил этилди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида 2013 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун жами 269,6 миллиард сўм ҳажмида, яъни 2012 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга 110,1 миллиард сўмлик кредитлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қорамоллар сотиб олиш учун 106 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Коллеж ва лицейларнинг 15 минг нафардан ортиқ

¹ Эрназаров У. Тадбиркорлик равнақи ва ҳуқуқий асос. “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 20февраль, № 35.

битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйиши учун жами 53,5 миллиард сўмлик кредитларга эга бўлади.

Корпоратив харидлар тизими кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг муҳим шаклларидан биридир. 2013 йилда тизимга жалб этилган соҳа субъектлари сонини 1,3 баробар кўпайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган 2086 йирик корхонада корпоратив харидлар механизмини жорий этиш ва харидлар умумий ҳажмида кичик бизнес улушини 25 фоизга етказиш белгиланган.

3.2. Мавзунини ўқитишнинг янги педагогик технологияларга таянган асослари

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функцияларини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ўзлаштириш жараёни лойиҳалаштирилади.

Мақсадни кўзлаш, жорий натижаларни текшириб бориш, ўқув материални айрим бўлақларга ажратиш – ўқув жараёнини ташкил этишнинг

бу белгилари – қайта ишлаб чиқиладиган яъни такрорланадиган таълим циклига хос хусусиятлардир.

Бошқача айтганда, такрорланадиган таълим циклининг асосий қисмлари қуйидагилар:

- таълим мақсадларини умумий белгилаш;
- умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш;
- ўқув амаллари мажмуи;
- таълим натижасини баҳолаш.

Юқоридагилардан келиб чикиб берилган мавзуни талабаларнинг кичик гуруҳларда модулли таълим технологияси асосида ишлашига мўлжалланган маъруза машғулотининг ишланмасини қуйидагича ташкил этиш мумкин.

Машғулот мавзуси: Мамлакатни модернизация қилиш шароитида кичик бизнесни қўллаб қувватлашда молияни роли.

Машғулотнинг мақсади: Кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти, уни аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли бюджет даромадларини оширишдаги ўрнини ёритиб бериш. Талабаларни кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият хиссини шакллантириш кўзда тутилади.

Машғулотни жиҳозлаш: маъруза матни, карточкалар, тестлар, тарқатма материаллар, плакатлар, слайд.

Машғулотда фойдаланшдиган технология: Модулли таълим технологияси (талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модул дастури).

Асосий тушунчалар ва таянч билимлар: «Солик кодекси», «Божхона кодекси», «Фуқаролик кодекси», «Корхоналар тўғрисида»ги Қонун, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикасида хусусий

тадбиркорлик тўғрисидаги Низом», «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари» ҳамда тадбиркорликка оид қўлланмалар.

МАШҒУЛОТНИНГ БОРИШИ

I. Ташкилий қисм

II. Ўтилган мавзу юзасидан талабалар билимини тест савол-жавоблари ёрдамида аниқлаш ва рейтинг тизими асосида баҳолаш.

III. Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўқув топшириқларини бажаришга йўллаш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

а) янги мавзу бўйича тузилган модул дастурини тарқатиш ва талабаларни модул дастурининг дидактик мақсади билан таништириш;

Модулли таълимнинг моҳияти шундан иборатки, бунда талабалар модул дастурлари устида мустақил (ёки ўқитувчи раҳбарлигида) ишлаб ўқув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришадилар.

Модулли таълим технологиялари асосида модулли дастур туради. Модул дастурлари ўзида мавзунинг илмий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган дидактик мақсадни, талабалар машғулот жараёнида бажарадиган топшириқларни, мазкур топшириқларни бажариш бўйича берилган кўрсатмаларни мужассамлаштиради.

б) талабаларнинг фаолиятини модул дастуридаги ўқув топшириқларини мустақил бажаришга йўллаш.

Модулли дастурлар ўқитувчилар томонидан тузилиб, унда модулниң дидактик мақсадлари, мавзуни ўрганиш босқичлари, талабалар томонидан бажариладиган ўқув фаолияти элементлари, талабалар билимини назорат қилиш йўллари кетма-кет ёзилади.

Маърузадаги мавзу матни мантиқан модулларга ажратилади:

1. Кичик бизнес фаолиятини қўллаб қувватлашда молиянинг ўрни.
2. Ўзбекистонда кичик бизнесни молиялаштириш асосида қўллаб қувватлашнинг давлат сиёсати йўналишлари.
3. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти.

Шу модулларни талабалар мустақил ўзлаштиришлари учун қуйидаги модул дастури тузилади

«Тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий асослари» мавзуси юзасидан талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мувожазланган модул дастури.

Модул дастурининг дидактик мақсади:

Ушбу модул дастури ёрдамида ўқитувчи мустақил ишлаб, кичик бизнеснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шаклларини, бугунги кунда кичик бизнесни давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан танишиш, маъруза матни билан мустақил ишлаш кўникмаларини, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириши зарур.

Ўқув фаолияти элементи	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалига оид топшириқлар	Топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмалар
1-УФЭ	Маъруза матнини диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг. Мақсад: Кичик бизнесда тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш. 1. Кичик бизнесда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқларини сананг. 2. Тадбиркорлик фаолиятини юритишга доир тадбиркорларга юкланадиган мажбуриятларга нималар киришини гапириб беринг. 3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига амал қилиш бўйича Сизнинг фикрингиз қандай?	Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг. Талабалар жамоаси билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.

2-ЎФЭ	Мақсад: Тадбиркорлик фаолиятининг шаклларини ўрганиш. Маъруза матнини диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг 1.Кичик бизнес шаклларини санаб беринг. 2.Якка тартибдаги тадбиркорлик қандай турларга бўлинади. 3.Жамоа тартибдаги ва аралаш тадбиркорликка мисоллар келтиринг.	
3-ЎФЭ	Мақсад: Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришнинг молиявий масалларини ўрганиш. Маъруза матнини диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	
4-ЎФЭ	Мақсад: Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб қувватланишини ўрганиш. Маъруза матнини диққат билан ўқиб, ўрганиб қуйидаги саволларга жавоб топинг ва берилган топшириқларни бажаринг: 1.Бугунги кунда кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар учун қандай имкониятлар мавжудлигини мисоллар асосида тушунтиринг. 2.Кичик бизнесни қўллаб қувватлашдан кўзланган асосий мақсадни гапиринг? 3.Молиявий ва иқтисодий ёрдамни сиз қандай тушунасиз?	
5-ЎФЭ	Модулни якунлаш. Модул дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Сиз унга қай даражада эришдингиз? Ўзингизнинг ўқув фаолиятингизни беш баллик тизимда баҳоланг. Ўқув фаолиятингиздан қонқиш ҳосил қилган бўлсангиз, ва кичик бизнесга оид атамалардан фойдаланиб, кроссворд тузинг. Агар ўз ўқув фаолиятингиздан эришган натижа Сизни қаноатлантирмаса, модул дастури ёрдамида мавзунини қайта ўрганинг ва мавзу бўйича маъруза тайёрланг.	

- в) ҳар бир ўқув фаолияти элементи топшириқларининг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш, тегишли кўрсатмалар бериш;
- г) ҳар бир ўқув фаолияти элементи якунида савол-жавоб ёки мунозара ўтказиш.

V. Янги мавзу юзасидан тест саволлари ёрдамида талабалар билимини аниқлаш.

VI. Уйга вазифа бериш.

VII. Машғулоти у мумий якунлаш.

3.2. Амалий машғулоти методикаси

Ҳозирги кунда педагогика фанининг энг муҳим вазифаси бу – келажакимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи, бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлаш – маънавий кадриятларимизни ва умумбашарий кадриятларни ўзида мужассамлаштирган мутахассис кадрларни тайёрлашдир. Бунинг учун эса замонавий ва жаҳоннинг илғор таълим технологиялари билан таъминланган ўқув – услубий адабиётлар мажмуаларини яратиш, таълим тазимини тубдан ўзгартириш унинг мазмунига миллий рух сингдириш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда илғор услубларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш лозим.

Шу мақсадда сўнгги йилларда педагогик олим ва амалиётчилар томонидан илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим–тарбия амалиётида қўллаш йўлга қўйилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Дарс жараёнида юқори самарадорликка эришиш учун қуйдаги метод ва услублардан фойдаланиш мумкин: бахслар, тадқиқот, музёра, ишбилармонлик ўйинлари, лойиҳалаш, китоб билан ишлаш, суҳбатлар, пинборд, бошқаларни ўқитиш, давра суҳбатларидир.

Ушбу методларни дарс жараёнига қўллаш учун эса таълимнинг кичик гуруҳлар билан ишлаш шаклидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида «Таълим берувчи – таълим оловчи» диалогидан воз кечишни ва «таълим берувчи – гуруҳ – таълим оловчи» кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни тақозо этади. Шу туфайли педагог билан талаба ўртасида мустаҳкам контакт ўрнатилади, шахсий ва бир вақтнинг ўзида таълим жараёнида жамоавий рухий ҳолат кучаяди.

Қуйида биз сизларнинг эътиборингизга «Мамлакатни модернизатция қилиш шароитида кичик бизнесни қўллаб қуватлашда молияни роли» номли мавзунини ўқитишда амалий машғулотларни таълимнинг гуруҳли шаклидан фойдаланган ҳолда дарс ўтилишини кўриб чиқамиз.

Мавзу: Мамлакатни модернизатция қилиш шароитида кичик бизнесни қўллаб қуватлашда молияни роли.

I. Машғулот мақсади: Талабаларни қандай жамоа тузишга ўргатиш, жамоани ташкил этишда нималарга аҳамият қилиш, Жамоанинг тарбиявий таъсири ҳақида тушунча ра тасаввурларини шакллантириш.

II. Машғулот натижалари:

- талабаларда дарсга бўлган қизиқишни ўстириш;
- роли ўйин орқали талабаларнинг мавзунини ўзлаштириши;
- жамоа бўлиб мулоҳаза юритиш;
- талабаларни қандайдир реал вазиятларни ижро этиш орқали ҳаётга тайёрлаш;

III. Талаб этиладиган вақт 1 соат 15 минут.

IV. Зарур бўладиган материаллар:

- техник воситалар: Кодоскоп
- Тарқатма материаллар: табличка 4 дона, қоғоз 20 дона
- кўргазмали материаллар: слайдлар 2 дона.

V. Машғулот тафсилоти:

Машғулот босқичлари	Таълим берувчи фаолияти	Таълим олувчи фаолияти
1. босқич. Тайёрлов	Ўқув машғулотининг мақсад ва натижалари аниқланади, таълим олувчининг баҳолаш мезонлари аниқланади. Технологик харитасини тузади, зарурий ўқув материаллар тайёрланади.	

II. босқич. Ўйинга кириш	Талабаларга "Мен қандай жамоа тузушни хоҳлайман" ролли ўйин қатнашчилари бўлишларини эълон қилинади. Ушбу таълим усулининг маъносини тушунтирилади. Мақсад ва натижаларини айтиб берилади. Таълим олувчиларни 4 та гуруҳга бўлиб чиқилади. Ҳар бир гуруҳнинг сардори бўлади. Ҳар бир сардорнинг олдида исми ва лавозими ёзилган табличкалар қўйиб чиқилади.	Талабалар мавзунинг номини ва ўқув машғулотининг мақсад ва натижаларини слайдлар орқали кўриб турадилар. Талабалар гуруҳларга гуруҳ сардорлари томонидан бўлинади.
III. босқич Асосий	Энди ҳар бир гуруҳ ўзи тузган жамоа нима билан шуғулланишини, гуруҳ сардори ушбу гуруҳни тузишда нималарга аҳамият қилганлигини, гуруҳдаги ишни нимадан бошлаб нимада якунлаши кераклиги тушунтирилади. Бунинг учун вақт ажратилади. Ушбу вақт ичида гуруҳнинг ҳар бир аъзосига вазифа берилиш керак бўлади. Яъни ҳар бир талаба қайси вазифада бўлишига қараб жамоанинг ўша қисмини ҳимоя қилиш керак бўлади.	Таълим олувчи ўқитувчиси бераган вазифаларни бажариш учун гуруҳларга бўлинади. Гуруҳ сардорига бўйсинган ҳолда гуруҳдаги ўз вазифасини бажаришга киришади. Ўзининг таклифларини киритади. Сўнгра бутун бир жамоа бўлиб ўзининг гуруҳи шаънини ҳимоя қилади.
IV. босқич Таклиф ўзи - ўзини баҳолаш	Билим олувчиларга Жамоани ташкил қилиш фаолиятини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолашни амалга оширишни таклиф қилиш.	Ўз – ўзини баҳолашни амалга оширади.
V. Муҳокама Хулосалаш	Таълим олувчиларга савол бериш. 1 - савол. Жамоа тузишда нималарга эътибор бериш керак? 2 - савол. Жамоани шакллантириш учун қандай омиллар таъсир кўрсатади? 3 - савол. Сизларда ушбу дарс қандай таасурот қолдирди?	Таълим олувчилар берилган саволларга жавоб берадилар. Таълим берувчининг якунини эшитиши ва ўзлари учун хулосалар чиқарадилар.

ХУЛОСА

Бозор иқтисодиёти тизими тобора ривожланиб борар экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ошиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш борасида ҳам талайгина тадбирлар амалга оширилди ва бу жараёнлар давом этиб бормоқда.

2013 йилга қадар ушбу соҳада муайян тажрибалар орттирилди. Шу тажрибалар асосида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир нечта молиялаштириш тизими ишга туширилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш жиддий амалга оширилмоқда. Улар учун хизмат кўрсатиш инфраструктурасини жорий этишни кенгайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароит яратишни кенг қўламда амалга оширилаётганлиги фикримиз далилидир.

Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ҳамда ҳудудий дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

2012 йил учун прогноз қилинган макроиқтисодий шарт-шароитлар банк тизимининг барқарор ривожланишига замин яратади, банкларнинг фаоллиги

ва умуман иқтисодиётнинг ривожланишига қўшадиган ҳиссаси ошади. Шу билан бирга, ўтган йиллардаги каби асосий эътибор банк тизими барқарорлигини таъминлашга ва уларнинг инвестицион жараёнлардаги фаоллигини янада кенгайтиришга қаратилади.

Бугунги кунда банкларни энг кўп ташвишга солаётган муаммоли кредит қўйилмалари бўлиб, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларининг тажрибасизлиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятига ўз шахсий ва оилавий муаммоларини аралаштириб юбориши, пайдо бўлган шахсий муаммоларини кредит маблағлари ҳисобига ёпиш, тадбиркорлик фаолиятдан келиб тушган маблағларни тўлиқ истеъмол қилиб юбориши каби ҳолатлар банк кредитлари бўйича асосий қарз ва фоизларни ўз вақтида қайтарилмаслик ҳолатларига олиб келди. Натижада кичик бизнес субъектлари фаолиятида қатор молиявий кийинчиликлар юзага келди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида банк ходимларининг асосий иш фаолиятлари кичик бизнес субъектларини банк олдидаги мажбуриятлари тўғрисида доимий огоҳлантириш ва муаммоли кредит битимлари юзасидан хўжалик ёки фуқаролик судларига қатнаб иш фаолиятлари фақатгина мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратиб қўйилмоқда.

2011 йилда Марказий банкнинг банк бошқаруви ва назорати соҳасидаги фаолияти юқорида қайд этилган мақсадларни амалга оширишга ҳамда омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди. Жорий йилда ҳам банк тизимидаги ислохотлар давом эттирилгани ҳолда Марказий банк томонидан бир қатор йўналишларда чора-тадбирлар қўриш давом эттирилади.

Бироқ, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш жараёнларида бир қатор муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

– кичик бизнес субъектларини молиявий ресурсларга эҳтиёжини мунтазам ўрганиб бориш, талабдан келиб чиқиб кредит маблағлари билан

таъминлаш чораларини кўриш, кредит олиш учун ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашиш бўйича мониторинглар ўтказиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мақсадли кредит маблағлари ажратиш;

- кредит ва лизингга олиниши мумкин бўлган технологиялар тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорларга етказиш, фаолият бошлаётган тадбиркорларга микрокредитлар ажратишга кўмаклашиш ва йўналиш бериш.

- кредит ташкилотларида ликвидлик билан боғлиқ хатарларни (рисklar) бошқариш тизими ҳолатини баҳолаш ва бошқаришдаги ёндашувларни, кредит операциялари ва шартномаларни амалга ошириш чоғида кредит ташкилотлари томонидан қўлланиладиган хавф-хатарлар (рисklar) бошқарувини такомиллаштириш;

- умумлаштирилган асосда банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг назорати сифатини яхшилаш, уларнинг фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши юзасидан уларнинг масъулиятини ошириш ҳамда назорат ишларини кучайтириш;

- таваккалчиликни бошқаришда суғурта механизмларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ҳукуратимиз томонидан белгиланаётган 2013 йилда банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислохотларда кичик бизнес секторини молиявий қўллаб-қувватлашни янада ошириш вазифалари ҳаётга жорий этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан жами 6,1 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линияларини жалб қилишни фаоллаштириш орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган.

Ушбу кредит маблағларини ажратишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция мақсадларига, уларнинг бошланғич капиталини шакллантиришга ҳамда микрокредитлаш кўламини кенгайтиришга қаратилади. Шунингдек:

- узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини янада кенгайтириш;

- хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш бўйича «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш;

- озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда лизинг, факторинг ва савдони молиялаштириш хизматлари кўламини кенгайтириш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан мураккаб маиший техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари ажратилишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги

лойиҳаларни кредитлаш кўламларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса қилиб айтганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги чора-тадбирларни амалга ошириш молиявий ташкилотларнинг фаолиятини такомиллашувига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Республика Президентининг асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: Адолат, 1992.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил. 14 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. №23-24 (159-160). –б.7-9.
4. Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил. 24 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. - 2005. №25-26 (161-162). -б.6-7.
5. Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. - 2005 йил. -6 окт. №199 (3744).
6. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 57-сонли Қарори. 2000 йил. 17 февр.
7. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 йил. 20 авг.

8. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 439-сонли Қарори. 2003 йил. 11 окт.
9. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2005 йил. 15 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. №23-24 (159-160). -б.10-12.
10. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2006 йил. 24 май.
11. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2009 йил. 15 май. (ПҚ-1112-сон).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
19. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
20. Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96 б.
21. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Ватанпарвар. 15 фев. 2008.
22. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
23. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
26. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
27. Каримов И.А. Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
28. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
29. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
30. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
31. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
32. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
33. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош

мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

34. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.

2. Илмий китоблар ва манбалар

35. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012.
36. Батурина Валентина, Матрузиева Гульнора. Индикаторы устойчивости малого бизнеса и частного предпринимательства. // Рынок, Деньги и Кредит. №10. 2012. 15-18 стр.
37. Бурханов А. Микромолиялаш – минтақаларда кичик бизнесни ривожлантиришнинг муҳим омили. // Бозор, Пул ва Кредит. №7. 2012. 11-13 б.
38. Жамолов Ўткир. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш омиллари. // Бозор, Пул ва Кредит. №7. 2012. 49-52 б.
39. Каримова Дильдора. (д.э.н.) Малый бизнес определяет социальную стабильность. // Рынок, Деньги и Кредит. №10. 2012. 19-21 стр.
40. Лобанова Е.Н., Лимитовский М.А. Финансовый Менеджер –М.: ООО Издателско-Консалтинговая Компания «ДеКА», 2000. -400 с.
41. Муллажонов Ф. Ўзбекистон банк тизими: барқарор ривожланиш, халқаро мезонларга эришиш йўлида.
42. Набиев Э., Қаяюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. –Т.: Меҳнат, 2000.
43. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. –Минск, Новое знание, 2001.
44. Самадов А.Н., Останакулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Молия-иқтисод, 2008.
45. Stella M. Nkomo., Muron D. Fottler., R. Bruce Mcaree Applications in Human Resource Management. South – Western Colleje Publising. 2000.

46. Ходиев Б.Ю, Косимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. –Т.: ТДИУ, 2010.
47. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
48. Хотамов Сардор. Льготные ресурсы для малого бизнеса. // Рынок, Деньги и Кредит. №10. 2012. 12-14 стр.
49. Хусанов Н. Кредитные программы для поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства. // Рынок, Деньги и Кредит. №10. 2012. 8-11стр.
50. Югай Александр (к.э.н.). Особенности управления малым бизнесом. // Рынок, Деньги и Кредит. №10. 2012. 22-25 стр.
51. Юнусова Дилором. Конструктивный диалог: изучая роль малого бизнеса. // Рынок, Деньги и Кредит. №10. 2012. 4-7 стр.
52. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт. 2010. –340 бет.
53. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: «O'qituvchi», НМИУ 2013 -128 б.

54. Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005.
55. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2003.

3. Статистик тўпламлар

56. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши: Статистик тўплам. 2009 йил.
57. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши: Статистик тўплам. 2010 йил.
58. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши: Статистик тўплам. 2011 йил.
59. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши: Статистик тўплам. 2012 йил.

4. Интернет сайтлари

60. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.
61. www.ceep.uz.- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.
62. www.bearingpoint.uz.- USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.
63. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.
64. www.management.ru.- «Консалтинговая группа МД» Россия компаниясининг расмий сайти.

ИЛОВАЛАР

Наманган вилояти иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши¹

%да

№	Шаҳар ва туманлар номи	Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши								
		Ялпи ҳудудий маҳсулот	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ ҳўжалик ялпи маҳсулоти	Қурилиш ишлари	Чакана савдо айланмаси	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	Жами хизматлар	Юк ташиш	Йўловчи ташиш
Вилоят бўйича		79,0	41,0	99,0	87,7	43,7	53,6	61,6	65,5	83,4
1	Наманган ш.	х	49,5	99,2	66,7	47,0	55,9	58,2	84,0	81,0
2	Мингбулоқ	х	14,7	99,6	83,4	36,3	41,7	54,8	26,5	66,3
3	Косонсой	х	55,9	97,9	88,0	52,6	50,7	64,2	90,5	100,0
4	Наманган	х	39,0	98,7	98,7	44,3	59,1	77,5	99,3	94,8
5	Норин	х	48,0	98,8	98,0	43,9	53,5	71,6	88,7	97,3
6	Поп	х	13,3	99,1	93,6	51,1	42,7	59,2	69,8	99,7
7	Тўрақўрғон	х	30,4	99	90,6	18,1	45,0	53,2	37,4	73,8
8	Уйчи	х	48,9	97,7	91,8	52,2	55,5	77,4	60,4	87,9
9	Учқўрғон	х	16,0	97,7	96,9	44,8	44,6	66,5	37,4	80,3
10	Чортоқ	х	63,0	99,2	98,6	68,2	38,2	51,9	89,7	85,2
11	Чуст	х	58,4	99,4	91,9	34,5	59,9	56,6	35,6	69,2
12	Янгирқўрғон	х	53,4	99,5	97,9	35,7	39,3	71,9	74,3	92,9

¹ Жадвал диссертант томонидан Наманган вилоят статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.